

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

ШИРК ЛАШКАРЛАРИ ВА ҚОНУН
ЁРДАМЧИЛАРИ ТАРАФДОРЛАРИ
КЕЛТИРАЁТГАН

ШУБҲАЛИ ДАЛИЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

SodiqIar.info

SodiqIar.com

Ширк лашкарлари ва қонун ёрдамчилари тарафдорлари келтираётган шубҳали далилларга жавоблар

Муаллиф: Абу Муҳаммад Мақдисий
Таржимон: Абу Абдурахмон Муҳожир
Мухаррир ва мусахҳиҳ: Абу Муҳаммад Бухорий

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман

Ширк лашкарлари ва қонун ёрдамчиларининг шубҳали далилларига жавоблар

Биринчи нашрга сўз боши

Аллоҳга ҳамду-санолар бўлсин, Унинг росулига ва у кишига ёрдам берганларга Аллоҳнинг салом ва саловотлари бўлсин. Бу менинг 1419 йил ҳижрий сана бўйича Сувак зиндонида ёзган китобларимдан бири-ки, бу китобда мен дунёвий қонун тарафдорлари фойдасига тортишаётганларнинг энг кўп тарқаган шубҳали далилларига жавобан ёзган китобимдир. Айнан Аллоҳнинг изни билан, зиндон ва унинг ташқарисида бизнинг чақириғимиз тарқала бошлаганлиги аҳли тавҳид биродарларни хурсанд қилган бўлса, худосиз ва мушрикларнинг ғазабини ошириб юборди. Тортишувчилар дарров уларни ҳимоя қилишга ўтган бўлса, юраги дов бермаганлар, уларни динсизликда айблаш ва уларга қарши жиҳод қилиш дуруст эмаслиги ҳақида гапира бошлашди. Шубҳали далилларни тарқатишлик билан улар, тавҳидга бўлган даъват йўлини тўсишликка ҳаракат қилиб, ширк қўшинига ёрдам бермоқда. Шунинг учун мен кўриб турганингиздек, бир неча варақларни енгил услубда, уларнинг шубҳали далилларига жавобан ёздим-ки, бу уларнинг осон тушунишлари ва тавҳидга янги даъватни бошлаган биродарларга енгил бўлиши учундир. Аллоҳнинг ёрдами билан ҳам шундай бўлди, ҳатто энг оддий тавҳидга чақирувчи ҳам, бу масалаларда, ҳатто шариат факултетини битираётганлик билан фахрланаётган хилоф фикрловчиларни ҳам жим бўлишга мажбур қилди. Буни ҳам шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг “Кашфуш-Шубуҳот” китобидаги бир сўз тасдиқлайди: **“Баъзан тавҳид душманларининг қўлида катта илмлар бўладики, Аллоҳ субҳанаҳу таоло бу ҳақида шундай марҳамат қилади: “Вақтики уларга пайғамбарлари аниқ ҳужжатлар келтирган вақтларида, улар ўзларининг одиларидаги билимлари билан шодланиб мақтандилар ва уларни ўзлари масхара қилгувчи бўлган(азоб) ўраб олди” (۴۰-۸۳)**

Мусулмон киши Аллоҳнинг динидан, шайтоннинг муқобилида тура олиши учун, у учун қурол бўла оладиган барча нарсаларни ўрганиши вожиб бўлади ва шундагина унга кўрқув ва ғамгинлик бўлмайди, чунки: **“Шубҳасиз шайтоннинг макри заиф бўлгувчидир.” (۴-۷۶)**

Тавҳид аҳлидан бўлган бир мўъмин, ширк аҳлининг мингта олимини енгади. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **“Шак –шубҳасиз Бизнинг қўшинимиз ғолиб бўлгувчидир.” (۳۷-۱۷۳).** Аллоҳнинг қўшини тили ва далиллари билан ҳам, қиличи

билан ҳам ғолибдир. Қудратли Аллоҳдан бу китобнинг манфъатли бўлишини, бу билан бизларни мустаҳкам қилиб, ўз динига ёрдам беришини сўрайман. Дарҳақиқат У эшитгувчи ва билгувчи Зотдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилалари ва у кишининг саҳобаларига салом ва саловотлар бўлсин!

Муқаддима

Бутун оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамду-санолар, Унинг охирги пайғамбари, шунингдек бошқа росул ва набийларига салом ва саловотлар бўлсин!

Тоғут ва дуёвий қонунлар қўшинлари томонида туриб тортишаётганларнинг оғзидан бу шубҳали далилларни бир неча марта такрор-такрор эшитганмизки, иш ҳатто диндан унинг исмидан бошқа ҳеч қандай хабари йўқ, билимдан унинг суратларидан бошқа нарсани билмайдиган кўпхудолилар қўшини ҳам, бу шубҳали далилларни илиб олишиб, тавҳид аҳли билан ўзларининг ширк, дахрийлик ва тоғутга ёрдам бериш каби амалларига рухсат мавжуд эканлигини таъкидлашга ва ўз ҳаракатларини оқлашга тушиб кетишди. Ҳолбуки Аллоҳ субҳанаҳу таоло уларга энг биринчи тоғутдан узоқлашиб, уни инкор қилишга буюрган эди.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Биз ҳар бир умматга “Аллоҳгагина ибодат қилинлар ва тоғутдан узоқлашинлар”-дейишлари учун пайғамбарларни юбордик.»** (۱۶-۳۶).

Яна Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан олдин нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг тоғутга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки уларга унга ишонмаслик буюрилган эди»** (۴-۶۰).

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Шунда золим кимсалар уларга айтилган (Аллоҳнинг) сўзидан бошқа сўзни айтдилар.»** (۲-۵۹).

Тоғутни инкор қилиш ўрнига, уни ҳимоя қилишга ўтишди, у томондан тортишиб кетиб, унинг тайёр қўшинига айланишди, ўзларининг ҳаёларини ҳам қурбон берадиган ва унинг йўлида вақт ва молларини сарфлайдиган холис ҳимоячиларига айланишди. Вақтики биз уларни тавҳидга чақирганимизда, улар бизга инсон ва жинлардан иборат бўлган шайтонлар уларга сингдирган шубҳали далиллар билан, ҳақиқатни ёлғон, нурни зулмат билан тўсиб, биз билан тортиша кетишди. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Шунингдек, ҳар бир пайғамбар учун инсу-жин(дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал сўзлар билан васваса қиладилар. Агар Парвардигорингиз хоҳласа, ундай қилмаган бўлур эдилар. Бас, уларни тухмат ва бўхтонлари билан тарк қилинг!»** (۶-۱۱۲-۱۱۳).

Аллоҳ субҳанаҳу таоло юқоридаги оятда қалбларида охират кунига иймони бўлмаганлар, ўзларининг залолатларини ва ширкларини яшириш учун, мана шундай безаб қўйилган сўзларга ва шубҳали далилларга қулоқ солишини тушунтиради.

Бошқа оятда Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Агар улар сизларнинг орангизда чиққанларида ҳам сизларга фақат ортиқча зиён бўлган ва ўрталарингизда сизларни фитнага солиш учун елиб-югуриб юрган бўлур эдилар ҳамда ораларингизда уларга қулоқ солувчилар ҳам (топилган) бўлур эди . Аллоҳ золим кимсаларни билгувчидир.»** (۹-۴۷). Бу оятда Аллоҳ субҳанаҳу таоло

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

мусулмонлар ичида мунофиқ ва ваҳимага солувчи кимсаларга қулоқ соладиганлар бўлишининг хабарини берди. Шунинг учун, буларнинг ҳаммасини эътиборга олиб биз ҳозирги давр ва макон муржиъа жамоаларининг энг кўп тарқаган шубҳали далилларига жавоб бермоқчимиз-ки, бу тоғут қўшинлари учун ҳам, улар томонидан туриб тортишаётганларга ҳам ва бу шубҳали далилларнинг таъсирига тушиб қолганларга ҳам, уни ўрганиш қулай бўлади. Шояд Аллоҳ шу билан қулоқларни, кўр кўзларни ва қосир ақлларни очса!

Сувак зиндони, Робиул-аввал ойи, 1419 ҳижрий сана
Абу Муҳаммад Мақдисий.

Биринчи шубҳа

Ҳукумат раҳбарларини катта куфрда айбламаётганлар: **«Уларнинг куфри ислом миллатидан чиқарадиган куфр даражасига етиб бормаган»** – дейишади.

Тоғут қўшинларини ҳимоя қилиб тортишаётганлар айтишади-ки: **«Биз сизлардан бу ҳукумат тарафдорларини, уларнинг хавфсизлик хизмати ходимлари ва шунга ўхшаш бошқа органларни айблашда усулий жиҳатдан фарқ қиламиз ҳамда сизларга хилофмиз. Бизнинг фикримизча уларнинг куфрлари катта куфр даражасига етиб бормаган, сизларнинг ҳокимларни катта куфрда айблашларингиз ва унинг олдига бошқа далилларни олиб келишларингиз, ҳаммаси ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг сўзи билан нотўғридир.»**

Биз уларга айтамиз-ки: Одамлар турли фикрда бўлмаган бирорта масала йўқ. Лекин бу дегани, бу масалада ҳақиқатни билиб бўлмайди – дейиш нотўғри, чунки турли фикрларининг ҳаммасиям олинади дегани эмас. Чунки, ҳақиқат битта бўлади, кўп бўлмайди. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Ҳақиқатдан кейин фақат бурилиб кетиш бор холос»** (۱۰-۳۲).

Яна айтади: **«Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқасини томонидан бўлса эди, унда кўп қарама-қаршиликларни топган бўлур эдилар-ку?!»** (۴-۸۲)

Уламолар хулосаларда турли-туманликни қабул қилишади, чунки бу турли-туманлик саҳиҳ ҳадисларнинг саҳиҳлиги тўғрисидаги фарқлардан ёки унинг заифлиги, ёки шу олимга шу масалада саҳиҳ ҳадис етиб келмаганлиги каби иккиламчи масалаларда бўлади. Лекин диндаги асосий масалаларда – ширк, тавҳид, иймон ва куфрга ўхшаган масалаларда ҳеч кимга фикрлардаги ихтилофларни тасдиқлаш, келишишга ижозат берилмайди, хоссатан бу муртад, мушрикларни оқлаш ва уларга ёрдам бериш асбобига айлантирилаётган бўлса. Бундай масалаларда қатъий жавоб бўлиши керак-ки, иймоннинг мустаҳкам халқаси шуни устига бино бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу таоло бизларни қаровсиз қолдириб, беҳуда яратгани йўқ. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Наҳотки биз сизларни беҳуда яратганмиз, деб ўйлайсизлар ва сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!»** (۲۲-۱۱۵)

Кўриниб турибди-ки, Аллоҳ субҳанаҳу таоло ўз китобида ҳеч нарсани қолдириб кетмаган. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Китобда бирон нарсани қўймай (ёзганмиз)»** (۴-۳۸). Бирон яхшилик йўқ-ки, Аллоҳ бизга буюрмаган ва тарғиб қилмаган бўлса ва ҳеч қандай ёмонлик йўқ-ки, унга бизнинг эътиборимизни тортиб, унга тушиб қолишдан огоҳлантирмаган бўлса!

«Лекин Аллоҳ ҳалок бўлгувчиларни (яъни кофирлик йўлини тутгувчиларни) очиқ ҳужжат билан ҳалок бўлсинлар, тирик қолгувчилар (яъни иймонга келувчилар) ҳам очиқ ҳужжат билан тирик қолсинлар, деб қилинувчи бўлган иш (яъни мусулмонларнинг ғалаба қозониши, кофирларнинг мағлуб бўлишлари) учун сизларни (тасодифан тўқнаштириб қўйди) » (А-ҒҒ).

Тоғут ҳокимларнинг ҳолати ажабланарли, бир кишининг ўз динини тушуниши ва тавҳидни таълим олиши, пешин вақтидаги қуёшдек очиқ-равшан, осондир, лекин кўзлари бемор бу кимсалар, шу қуёшни ҳам чаплаб кўрадиларки, бу унданда ҳайрон қоларлиқдир. Бизнинг мақсадимиз тавҳидни малҳам ва Аллоҳ ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳиҳ суннатларидан бўлган далилларни сурма қилиб, уларнинг кўзларидаги бу беморликни тузатиш, бу чаплаб кўришларни йўқотишдир, инша Аллоҳ.

Биз айтамизки: Биринчидан, бу тоғутларни динсизликда айблаш фақатгина биттагина пункт билан эмас. Уларни кофир деб айтиш учун, бу ҳукм учун заиф бўлган ибн Аббосни сўзи бўлмиш, “Куфр дуна куфр” яъни “Катта куфрга етмаган куфр” далилининг ўзигагина суянилан эмас, балки улар динсизликнинг бир неча навлари бўйича айбланишади.

Мана улардан баъзилари:

1. Тавҳид калимаси, Аллоҳнинг ягоналигига гувоҳлик бериш бўлган “ла илаҳа иллаллоҳ” яъни, Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Аллоҳ бордир. Бу калиманинг икки устуни бўлиб, унинг бири иккинчисининг ўрнини тўлдира олмайди.

Бу гувоҳлик саҳиҳ бўлиши учун, ҳар иккала устунига амал қилиши, яъни «ла илаҳа – ҳеч қандай илоҳ йўқ» ва «иллаллоҳ – магарам Аллоҳ» ёки Аллоҳ субҳанаҳу таоло бизга тушунтирганидек «тоғутни инкор қилиш» ва «Аллоҳга иймон келтириш» керак бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Кимки тоғутга куфр келтирса ва Аллоҳга иймон келтирса, дарҳақиқат мустаҳкам арқонни ушлабди.»** (Бақара сураси Ҷ᠕᠙оят.) Кимки шу икки устунга амал қилмабди, у мустаҳкам арқонни ушламабди. Бундай кишилар шубҳасиз ҳалок бўлгувчидирлар, чунки улар ягона Аллоҳга ибодат қилувчилардан бўла олмайдилар, балки, кофир ва мушрикларнинг сафидан ўрин оладилар. Булар Аллоҳнинг ўрнига қонун чиқариш учун сайлашган ҳокимлардир. Агар улар олиб келган далилларини тўғри деб ҳисоблаб, уларнинг Аллоҳга иймон келтирганлигини эътиборга олган тақдиримизда ҳам, уларнинг аҳли тавҳид бўлишлари учун бу кифоя қилмайди, чунки улар иккинчи асосий шарт, бўлиб ҳам аҳамиятининг муҳимлиги жиҳатидан, Аллоҳ уни Ўзига иймон келтиришдан аввал зикр қилган «тоғутга куфр келтириш» шартини бажармаяптилар. Уларнинг Аллоҳга бўлган иймонлари худди қурайшликларнинг ўз тоғутларига куфр келтирмай келтирган иймонларига ўхшайди. Уларнинг бундай иймонлари на моллари ва на жонларини сақлай олди, то ўз тоғутларига куфр келтурмагунларича. Унгача уларнинг бу очиқ ширк билан булғанган Аллоҳга бўлган иймонлари на бу дунёда, ва на охиратда уларга манфаат берди. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Уларнинг кўплари Аллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар.»** (Ҷ-Ҷ-Ҷ).

Ширк иймонни нобуд қилади ва барча қилинган яхши ишларини ҳабата қилади. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Дарҳақиқат, сизга ҳам ва сиздан аввалги (пайғамбарларга) ҳам (шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки, агар ширк**

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

амалини содир этсангиз, албатта амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурсан»» (39-40)

Бизга маълумки, бу ҳокимлар ғарб ва шарқ тоғутларини инкор қилмайди ва улардан ажрамайди ҳам, балки, уларга ишонишади (иймон келтиришади) ва уларга ёрдам беришади. Тортишувчи масалаларда уларнинг маҳкамаларига мурожаат қилишади ва уларнинг чиқарган куфрий ҳукмлари билан, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг маҳкамаси сояси остидаги куфрий қарорлари билан ўзларини хурсанд қилишади. Бундан ташқари араб тоғутларининг ташкилот ва иттифоқлари ҳам Бирлашган кофир динсиз миллатлар ташкилотига ўхшашдир. Араб тоғутлари ғарб тоғутларининг укалари, дўстлари, уларнинг қулларидир, улар булардан ажрашгани йўқ ва уларга ёрдам беришдан, уларнинг ширкларида қўллаб-қувватлашдан қўлларини тортишгани ҳам йўқ. Агар араб тоғутларининг масаласи кўзи оғриётганларга ноаниқ кўринаётган бўлсада, лекин ғарб ва шарқнинг коммунист, носаро, буддий ва бошқа шунга ўхшаганларнинг ҳукми, Аллоҳга қасам ичаман-ки бундай эмас, агар улар кўр бўлмаса! Улар араб тоғутлари билан биродар ва бу тоғутларнинг энг яқин дўстларидир. Улар булардан ажрашмай, балки уларнинг ўртасини биродарлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик, шартномалар ва кофирларнинг Бирлашган Миллатлари боғлаб турибдики, ҳар қандай тортишувларда унинг маҳкамасига мурожаат қилишади. Улар тавҳиднинг асосий устуни бўлган – «тоғутга куфр келтириш»ни, мусулмон бўлишлари учун тасдиқлашмаган ва амал ҳам қилишмаган, гарчи улар кейинги шарт – Аллоҳга иймон келтиришни бажаришган бўлса ҳам. Яна бунга уларнинг Аллоҳдан ўзга ибодат қилинадиган, инсонларга қонунлар чиқарадиган, нотўғри, кизб ва қонунларини мақтаб, бу қонунларининг бажарилишини талаб қилишга чақирадиган, ўзларининг тоғутлигини қўшсак, унда нима бўлади.

2. Улар яна Аллоҳ ва Унинг қонунлари устидан кулиш ҳамда унга эҳтиётсизлик билан бўлган муносабатлари сабабли бўлган куфрда айбланадилар. Бундан ташқари улар ҳар қандай кишиларга матбуот радио, телевидения ва шунга ўхшаш ўз қонунлари ва қўшинлари орқали ҳимояланган куфрий ахборот тарқатиш восита ва муассасалари орқали диндан кулишга ижозат берганликда айбланадилар. Холбуки Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Сўранг: «Аллоҳ, Унинг оятлари ва Унинг Росули қолдими устидан кулишмаган? Узр айтманглар. Аввал иймонда эдинглар, бас, энди кофир бўлдинглар»» (9:65-66)**

Бу оятлар намоз ўқийдиган, рўза тутадиган, закот берадиган ва жиҳодга чиққан мусулмон бўлган одамлар устида нозил бўлганди. Юқоридаги амаллар устида бўлишларига қарамасдан Аллоҳ субҳанаҳу таоло уларнинг Қуръонни ҳифз қилган муаллим-олимнинг устидан масхарага сабаб бўладиган сўзни айтиши билан, диндан қайтиб, куфр келтиришликда айблади. Шундай экан, у ҳолда Аллоҳнинг дини билан ўйнашаётган одамларнинг ёмонлари ҳақида нима дейиш мумкин? Улар Аллоҳнинг динини ҳар қандай қаланғи-қасанғи одамлар масхаралаб куладиган бир ўйинчоққа айлантириб қўйишди-ку. Бундан ҳам ёмонроғи улар масиҳий, яҳудий ва бошқа динсизлар билан бирга Аллоҳнинг қонунларини ўзларини ҳақир қонунлари билан пастга уриб, Аллоҳ қонунларини манъ қилишга овоз бердилар. Бунданда дин устидан кулиш ва масхара қилиш борми дунёда, айтингчи?!

3. Улар аҳли тавҳидларнинг зиддига ғарб ва шарқ мушрикларига ёрдам беришликдаги динсизликда – куфрда айбланадилар. Гуё улар билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида келишувга келганликлари (хавфсизлик масаласи бўйича) ва бу келишувлар орқали улар террорист ва фундаменталист деб атаётган аҳли тавҳидлар ҳақидаги маълумот ва ахборотларни алмашиш, бу келишувлар орқали тоғут ҳукуматларнинг душманлари

бўлган мужоҳидлар ва аҳли тавҳидларни топшириш ва шунга ўхшаш бошқа амалларни бажаришади. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Сизлардан ким улар билан дўст бўлса, бас, ўшалардандир.»** (۵:۵۱) Шунинг учун шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб исломдан чиқарадиган амаллар ҳақида сўзлаб шундай дейди: **«Саккизинчи Исломдан чиқарадиган амал – кофир ва мушрикларга, аҳли тавҳидларнинг зиддига ёрдам беришдир»** Унинг набираси шайх Сулаймон бин Абдуллоҳ ўзининг «Мушрикларга ёрдам бераётганларнинг ҳукм» номли китобида Аллоҳнинг сўзини келтиради: **«Мунофиқ кимсалар ўзларининг аҳли китоблардан бўлган кофир биродарларига: «Қасамки, агар сизлар (ўз ерларингиздан) қувиб чиқарилсангизлар, албатта бизлар ҳам сизлар билан чиқиб кетурмиз ва сизлар(га қарши урушиш) тўғрисида ҳеч қачон бирон кимсага итоат этмасмиз. Агар сизларга қарши жанг қилинса, албатта бизлар сизларга ёрдам берурмиз», дейишларини кўрмадингизми? Аллоҳ гувоҳлик берурки, улар шак-шубҳасиз ёлғончидурлар»** (۵۹:۱۱)

Бу оятлар ўзларини Исломда кўрсатиб турган одамлар ҳақида нозил бўлган эди. Уларнинг исломлари қабул қилинади ва уларга мусулмонларга қилинадиган муносабат ҳам кўрсатилади, чунки мусулмонларга ташқи зоҳирий амалига қараб муомала қилишлик буюрилган. Улар мусулмонларнинг қаршисига яҳудийлар билан шартнома тузишади, ҳолбуки Аллоҳ субҳанаҳу таоло уларнинг ёлғончилигини ва шартномага амал қилмаслигини билса ҳам, улар ва аҳли китоб ўртасида биродарлик шартномаси тузилганини ва улар бир-бирларига биродар бўлганини зирк қилди, бу дегани уларнинг бу қилмишлари учун диндан чиққанлигини эълон қилди. Энди, ғарб ва шарқ дунёвий қонунлар қуллари бўлган мушриклар билан шартномалар тузиб, душманлик билан аҳли тавҳидларга қарши урушлар олиб бораётган ва кофир ҳукуматлар қўлига топшираётганларнинг ҳукми қандай бўлади? Шак-шубҳасиз улар бу ҳукмнинг остига кириши анада аниқроқ бўлади.

4. Улар Аллоҳнинг дини қолиб демократия динини ўрнатишга уринганлик бўйича, диндан чиққанликда айбланишади. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Албатта, Аллоҳ наздида қабул бўладиган дин Ислом динидир.»** (۳:۱۹)

Ислом бу Аллоҳнинг Ўз росули томонидан бизларга етказган покиза динидир, демократия эса греклар томонидан ўйлаб топилган диндир. Ҳеч шак ва шубҳа йўқ-ки, демократиянинг Аллоҳ динига ҳеч қандай алоқаси йўқ ва унда ҳақиқат ҳам йўқ: **«Ҳақиқатдан кейин фақат йўлдан озишгина бор, холос»** (۱۰:۳۲).

Бу одамлар доимий равишда очик ва ҳеч қандай мажбурлашсиз, балки хурсанд ва фахрланган ҳолда уларнинг ягона танлови Ислом эмас, балки демократия бўлганини эълон қилишяпти. Ислом ва демократия бир-бири билан биргаликда ҳеч қачон бирга бўла олмайди, чунки Аллоҳ Исломни пок ҳолатдагина қабул қилади. Ислом дини ҳокимият ва қонунчиликни Аллоҳгагина нисбатлаган Парвардигорнинг покиза динидир, демократия эса, Аллоҳни қўйиб ҳокимият ва қонунчиликни халққа топширган кофирларнинг ширкий динидир. Олий зот бўлган Аллоҳ ҳеч кимдан куфр билан Исломни ва ширк билан тавҳидни аралашишига рози ҳам бўлмайди ва қабул ҳам қилмайди. Бунинг устига бирор кишидан Исломи ва тавҳиди то уни Ислом динидан ташқари бўлган динлардан воз кечмагунгача, ундан қабул бўлмайди. Аллоҳ субҳанаҳу таоло Юсуф алайҳис-салом ҳақида айтадики: **«Дарҳақиқат, мен Аллоҳга иймон келтирмайдиган ва охиратни мутлоқ инкор этгувчи қавмнинг миллати – динини тарк этган кишиман ва мен аجدодларим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларнинг миллати –динига эргашганман. Биз учун Аллоҳга бирон нарсани шерик қилиш жоиз эмасдир.»** (۱۲:۳۷-۳۸)

Яна пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, имом Муслим олиб келган саҳиҳ ҳадисда айтади: **“Кимки “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”, деса ва Аллоҳдан ўзга ибодат қилинаётган барча нарсаларни тарк этса, унинг моли ва жони омондадир, қолганлари Аллоҳнинг зиммасидадир.”**, бошқа кўринишда имом Муслимдан ривоят қилинган ҳадисда **“Ягона Аллоҳга иймон келтирган бўлса”**.

Дин деганда фақатгина масиҳият ва яҳудиятгина эмас, балки коммунизм, демократия ва шунга ўхшаган дунёвий оқимлар ҳам тушунилади. Шунинг учун, Аллоҳ Ислом динини қабул қилиши учун, киши барча диний ва ёлғон дунёвий таълимотлардан четланиши зарур бўлади. Шунга ўхшаш Аллоҳнинг динида бир вақтнинг ўзида мусулмон-масиҳий, мусулмон-яҳудий бўла олмайди ва Аллоҳ ҳеч вақт инсоннинг бир вақт мобайнида мусулмон-демократ, мусулмон-коммунист бўлишига рози бўлмайди. Ислом бу – Аллоҳнинг дини, демократия бу – кофирларнинг динидир. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **“Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг “дини” Аллоҳнинг ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва охиратда зиён кўргувчилардандир.”** (Ў: ʼʼ) Исломни демократия билан қўшадими ёки бошқаси биланми, бу масалада фарқи йўқ, бунинг устига Ислом ва унинг қонунчилиги, унинг қарорлари-ю жазо ҳукмларини ташлаб, демократия ва унинг қонунчилиги, қарор ва жазо ҳукмларини олса қанақа бўлади.

5. Улар нафақат ўзлари ва бузуқ роббларини, Ягона Қудратли Аллоҳга тенглаштиришади, балки уларнинг динида Аллоҳдан ҳам кўра ҳурматлироқ ҳисоблашади. Уларга Аллоҳнинг ҳукмлари умуман таъсир қилмайди, унга эътибор ҳам беришмайди. Кимки бу ҳукмларга қарши гапирса, қаршилиқ кўрсатса, душманлик қилса ёки Аллоҳнинг ҳукмларини масхаралаб кулса – уларнинг дўсти ҳисобланади, уни қонун ҳимоя қилади, унга фикр эркинлиги берилади. Аллоҳ динига муртад бўлган ҳолида унга ҳаёт тақдим этилади. Бунинг акси, кимки уларнинг қонунларига қарши чиқса, конституцияларини танқид қилса, уларнинг бузуқ худолари зиддига гапирса, ўша заҳотиёқ улар қаттиқ ғазабланишади ва азоблар беришади, зиндонга тикишади. Унинг қаршисига ҳам мисоллар кўп, масалан: бир киши Аллоҳни ва унинг динини сўкса, Унинг росулини ҳақорат қилса, ўз қонунлари билан, ўз судларида судлашади ва аксар ҳолатларда унинг ҳукми 3 йилдан ошмайди.

Улар ўзлари ва роббларини фақатгина Аллоҳга тенглабгина қолмасдан, балки ўзлари ва роббларининг ҳурматини Аллоҳданам ўтказиб юборишди, агар улар бу ҳолатда умуман ҳали Аллоҳни ҳурмат қилишса! Аввалги мушрикларнинг ширклари –ўз бутларини Аллоҳни севгандек севишарди, улуғлашда ҳамда қонун, ҳукм ва ибодатларда Аллоҳга тенглаштиришарди. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар.»** (Ў: ʼʼ)

Яна айтадики: **«Аллоҳ номига қасамки, албатта бизлар сизларни барча оламларнинг Парвардигорига тенглаштирган пайтимизда очиқ залолатда эканмиз.»** (Ў: ʼʼ-ʼʼ)

Замонавий мушриклар эса, ўзларининг худолари ва роббларини улуғлашда ҳамма чегараларни босиб ўтишиб, Аллоҳдан ҳам юқорилаб кетишди. Аллоҳ улар айтаётган ва қилаётган ишларидан покдир. Ҳа, уларнинг асл башаралари шундай, мана бу реал воқеаликдан озгина хабардор киши ҳам бу тўғрисида тортишмайди. Янаям чуқурроқ кирадиган бўлсанг, уларнинг реал ҳокими ва асосий қонун чиқарувчиси, тасдиқловчиси ва ҳал қилувчи сўзни айтувчи – Аллоҳ ва Унинг дини эмас, балки Аллоҳдан ҳам кўпроқ

яхши кўриб ва кўпроқ улуғлашаётган тоғут ва худоларидир. Унинг дини ва унинг ҳукмлари учун ҳокимлари ғазаб қилса улар ҳам ғазаб қилишади, жазолар беришади, қамоқхоналарга тиқишади, лекин Аллоҳнинг дини ва Унинг қонунларини ҳақорат қилишса, буларнинг ҳеч бирини қилишмайди ва бу бугунги кунда биз кўриб турган ва яшаб турган аччиқ ҳақиқат бўлган – энг катта гувоҳ ва далилдир.

6. Улар олий қонунчилик ҳаққини ўзларига нисбатлашлик билан ҳам диндан чиқишликда айбланишади. Бу тўхтовсиз тарғиб қилинаётган, чақирилаётган ва унга қатнашишга қизиқтириланаётган ва ширкка нисбатан муҳаббат ҳосил қилиш учун эмланаётган замонавий ширкдир. Улар ўз конституцияларида Аллоҳнинг дини ва Унинг ягоналигига қарши келадиган қонунлар чиқаришди. Бу қонунлар уларга барча соҳа ва жабҳаларда мутлоқ қонунчилик ҳуқуқини беради. Бундай ҳабис ишларда барча араб давлатлари шерикдир. Мисол учун бир давлат Иорданияни олсак.

Иордания конституциясининг 29-моддаси:

1. Қонунчилик ҳокимияти қирол ва парламентга топширилади.
2. Қонунчилик ҳокимияти ўз вазифасини конституция пунктлари асосида олиб боради. Аллоҳ субҳанаҳу таоло бундай мушрикларга айтади: **«Балким улар учун Аллоҳ буюрмаган нарсаларни уларга шариат қилиб берган шериклари бордир»** (۴۲:۲۱), яна Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Эй ҳамзиндон дўстларим, тарқоқ, турли-туман “худолар” яхшироқми ёки ягона, ғалиб Аллоҳми?»** (۱۲:۳۹)

Яна Аллоҳ субҳанаҳу таоло кофирларга гарчи битта масалада бўлса ҳам итоат қилишликнинг оқибати ҳақида айтадики: **“Агар уларга бўйсунсангиз, шак-шубҳасиз мушриклардан бўлиб қолурсиз”** (۶:۱۲۱) Бу битта масалада, агар бутун қонун чиқарувчи ҳокимиятга мутлоқ итоат қилса ҳукми нима бўлади? Бундан кўриниб турибдики, улар қонунчиликнинг ҳамма соҳасида Аллоҳга шерик исбот қилишган.

Уларнинг конституциясида, “Ислом шариати – қонунчиликнинг асосий манбаларидандир” деб ёзиб қўйилган. Бу дегани, қонунчилик соҳасида ягона Аллоҳга иймон келтиришмаган ва бунга қўшимча ўлароқ уларнинг қонунчиликда бошқа манбалари ҳам борки, Ислом шариати шу манбалар ичидаги бир манба бўлиб қолади, уни яна бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, «Уларнинг қонун чиқариш соҳасида бир қанча худо ва робблари бор-ки, уларнинг баъзилари асосий, баъзилари эса иккинчи даражали ва Аллоҳ ҳам шуларнинг ичидаги илоҳлардан бири холос.» Улар нисбатлаётган нарсалардан Аллоҳ олий ва покдир.

Кимнинг куфрий қонунлардан тажриба ва илми бўлса, биладики уларнинг ҳеч бир қонунлари тасдиқланмайди ва амалий суратга кирмайди, то уларнинг асосий худолари бўлган тоғутлари – хоҳ у қирол, хоҳ президент ва бошқа номларда бўлсин, то улар тасдиқламагунча. Лекин осмондаги ягона ва танҳо Аллоҳнинг қонунлари баъзи соҳалар татбиқига кўрсатма берилган бўлса, улар то ердаги асосий худолари рози бўлиб тасдиқламагунча қонуний тус ола олмайди. Аллоҳ уларнинг бу нисбатлаётган нарсаларидан пок ва олийдир.

Билгинки, замонавий мушриклар қурайш мушрикларига нисбатан нафратланарлироқдир, чунки қурайш мушриклари замонавий мушрикларга ўхшаш ўз худо ва роббларига суянишар ва ибодатда Аллоҳга шерик қилишар эди, лекин уларнинг бу ибодатлари сажда, рукуъ ва шунга ўхшаш бўлади. Аммо, замонавий мушрикларнинг ибодатлари эса, қонунчиликнинг барча соҳа ва жабҳаларида итоат қилишлиқдир. Бу ширкнинг тури қабихроқ ва нафратланарлироқдир-ки, улар бу

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

амаллари билан ўз худоларини осмондаги Аллоҳга тенглаштириб олишди, ҳолбуки уларнинг мушрик аждодлари агар ҳажга келса қуйидагича талбия айтишарди:

**«Мен сенинг рўбарўнда турибман эй Аллоҳ, мен сени рўбарўнда,
Мен сени рўбарўнда турибман,
Сенинг шеригиндан бошқа ҳеч қандай шеригинг йўқдир ва
Сен у шеригинг устидан ҳокимликка эгасан, у эса эга эмас.»**

Конституционал мушриклар ҳам албатта, Аллоҳни ризқ берувчи, ўлдиради ва тирилтиради, ёмғир ёғдиради, шифо беради, хоҳлаганига қиз беради, хоҳлаганига ўғил беради, дейишади. Ҳа, улар бу нарсаларнинг ҳаммасини ҳал қилувчи Аллоҳ эканлигига ишонишади ва тоғутлари бўлган қирол ёки президентларига бу соҳани нисбатлашмайди. Лекин, ҳар қандай ишларнинг устидан қонуний қудратга эга бўлган, қонунчилик, ҳокимият ва қарорлар олиш, воқеликда буларнинг барчаси, уларнинг ердаги худолари президентга тегишлидир. Албатта улар ўз ширклари билан қурайш мушрик кофирларига ўхшайди, лекин улар динсизликда ҳукм, ҳокимият ва чиркин, қабиҳ худо ва роббларининг қонунларини Аллоҳ ва Унинг ҳукм ва қонунлари муқобилида улуғлашда, улардан ҳам ўтиб кетишди. Лаънат бўлсин уларга, ваҳоланки уларнинг ширклари – динсизликлари Абу Лаҳаб ва Абу Жаҳлларникидан ҳам ўтиб кетган.

“Аллоҳ билан бирга яна бошқа илоҳ борми?! Аллоҳ уларнинг ширк келтирган нарсаларидан олийдир.” ۲۷:۶۳

Кўриб турибсанки, уларни ширк ва очиқ куфр амалларида айблаш бир эмас, бир неча навлар биландир. Агар биз уларнинг барчасини санаб ва таҳлил қилишга ўтиб кетсак, бу жудаям узоқ чўзилиб кетадиган жараёндир, чунки уларнинг кирмаган бирор ширк ва куфрлари қолмаган. Албатта ҳақиқат истаётганларга, юқорида келтирилганлари кифоя қилади – деб ўйлаймиз. Лекин кимнинг қалбига Аллоҳ муҳр босган бўлса, уларнинг рўбарўсига тоғлар келса ҳам, улар унга ишонишмайди.

Биз бу ерда аҳли тавҳидларга демоқчи бўлаёган сўзимиз – бундай турдаги одамларнинг ширк ва куфрлари бир кўринишда тўхтаб қолмайди-ки, осонлик билан улардан бу айбловни битта сўз ёки бир шубҳали далил билан олиб ташланса. Куфр ва ширк бу турдаги одамларнинг суяк-суякларигача ўтиб кетган, лекин биз сенинг эътиборингни тортмоқчи бўлаётган нарсаси бу – уларнинг қонунчиликдаги ширкларидир. Бу Аллоҳ нозил қилган нарсаси билан ҳукм қилишни баъзида ҳаво ва нафсларига эргашишлик билан ташлаб қўйишликда бўладиган ва ибн Аббос ва бошқа асҳоблар билан хаворижлар тортишган «куфр дуна куфр» яъни «катта куфрга етмаган куфр» эмас. Чунки ибн Аббос ва Хаворижлар даврида ўзларига Аллоҳни қўйиб, қонунчиликнинг ҳаққини нисбатлайдиган мусулмонларнинг ҳокимлари бўлган эмас ва ҳатто улар ичида бирор киши, битта масалада бўлса ҳам, қонунчиликни жорий қилмаган, чунки бу уларнинг барчасининг фикри билан куфр бўлган. Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг «Ва агар сиз уларга итоат қилсанглар, бас, сизлар ҳам мушриқдирсизлар» деган оятини тафсир қилиб, биттагина масалада мушрикларга итоат қилишлик мушриклик ҳукми остига тушиши ҳақидаги ҳукмни ҳам, шу «куфр дуна куфр»ни айтган ибн Аббос айтган. Буни Ал-Ҳоким ўзининг “Мустадрак”ида саҳиҳ санад билан келтирган, яна шу оятнинг Табарий тафсирига қаранг.

“Куфр дуна куфр” сўзига келадиган бўлсак, биз бу сўзларни ибн Аббосга тегишли эканлигини тасдиқламаймиз, гарчи баъзилар уни саҳиҳ деб ҳисоблашса ҳам, чунки унинг иснодидаги Ҳишом бин Ҳужайр Алмакий заифдир.

Агар Хаворижлар доимий такрорлаётган ҳукм, қонун чиқаришга тааллуқ топганда, ибн Аббос розияллоҳу анҳу бу ҳолатда «катта куфрга етмаган куфр» демаган бўлар эди. Бу ҳолатда ундай деган бўларди, бундоқ бўлса, бундай деган бўлар эди – деган калималарни айтишдан ҳам Аллоҳ сақласин, унда уни Қуръон олими эканлигини тан олганимиз қаёқда қолади. Хаворижлар тортишаётган масала бу ерда, шариат қонунларининг ўзлари нотўғри деб ҳисоблаган машҳур тафсирилари ёки бу тафсириларнинг қонунийлиги ҳақида бўлган.

Агар мисол олиб келадиган бўлсак, Али ва Муовия розияллоҳу анҳулар қўшинлари ўртасида қилинган қозиятда масалани ҳал қилиш учун икки киши ўртага чиқди, шунда хаворижлар кўзғолон қилиб “сизлар ҳукм қилишни одамларга топширдиглар” дейишди ва Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги сўзларини келтиришди: **«Кимки, Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса, бас, улар кофирлардир»**. Шунингдек улар айтишдики: «Кимки Аллоҳга итоат қилмаса ва у Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмаса кофирдир», улар ҳар иккала томондан чиққан қозиларни кофирга чиқаришди ва кимки уларни ҳукмига рози бўлса, уларни ҳам кофир деб эълон қилишди, шу жумладан Али ва Муовия розияллоҳу анҳуларни ҳам. Бу уларнинг биринчи хужжатлари бўлиб, шунинг учун буни “Муҳаққима”- деб аташди. Саҳобалар ва айниқса ибн Аббос розияллоҳу анҳу бу масалада кўп баҳс қилди. У далилларини олиб келиб, бу бошқарув соҳасида, Аллоҳ олиб келмаган нарса билан ҳукм қилиш эмас – деб Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги сўзларини олиб келди: «Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангиз, эр томонидан бир ҳакам ва хотин томондан бир ҳакам чақирингиз» (۴:۳۵)

Ибн Аббос агар эр-хотин ўртасини ислоҳ қилиш учун, икки томондан қозиларни тайинлаш жоиз бўлса, бу ишни ислом умматининг қони тўкилишининг олдини олишда қўллашлик афзалроқ ва бу воқеа тарихида айтиладиги, ибн Аббос уларга бошқа далилларни ҳам келтиради ва Хаворижларга агар бундай ҳолатларда Аллоҳга итоатсизлик содир бўлиб қолган тақдирда ҳам бу улар даво қилаётган “куфр” ичига дохил бўлмаслигини тушунтиради. Мана шу ўринда унинг “куфр дуна куфр – катта куфрга етмаган куфр” деган калимаси айтилади, натижада жуда кўпчиликлари тавба қилиб қайтишади ва аммо кўплари ўз сўзларида туриб олишади. Али ва жуда кўп саҳобалар (розияллоҳу анҳум) уларга қарши жанг қилишади ва буларнинг ҳаммаси бизларга тарих китобларидан маълум нарсалар. Сўраймизки, бугунги кундаги бу турдаги одамлар, Аллоҳни қўйиб, ўзларининг янги-янги қонун ва дунёвий ҳукмларини чиқаришлари, шунингдек Аллоҳни қўйиб, бошқа нарсаларни ўзларига ҳакам қилишлари, исломдан бошқа дин ва дастурларни истаётганлари, буларнинг барчаси, саҳобалар ва Хаворижлар ўртасида содир бўлган воқеаларга тўғри келадими ёки далил сифатида уни олиб келиш мумкин бўладими?!!!

Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг “Кимда-ким Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир” деган ояти умумийдир, бу ўз ичига маҳкамаларда адолатсизлик ва бир томонлама олиб бораётганларга ҳам ва судларни башарий қонунчиликка тааллуқ топган масалада олиб боришларини (очиқ куфр) ҳам ўз ичига олади.

Шунинг учун салафлар (саҳоба ва уларга эргашганлар) бирор киши бу оятни олиб келса ва у биринчи маъноси(адолатсизлик, бир томонлама)га эга бўлса, кичик куфрга тафсир қилишган, агар бирор кимса бу оятни иккинчи маънода (шариатни ўзгартириш, янги қонунчилик устида) олиб келишса, оятни зоҳирий маъносини қолдиришган ва бу очиқ, ҳақиқий куфрни ифодалаган.

Бу оятлар ўзининг асосига, Аллоҳни қўйиб ўзларининг қонунлари билан яшашликка келишиб олган, яҳудийлар тажриба қилган, очиқ куфр маъносини мужассам қилган.

Шунинг учун “Саҳиҳи Муслим”да Барро бин Озиб розияллоҳу анҳу Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг **“Кимда-ким Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир”** (Δ:۴۴)

“бас, улар золимлардир” (Δ:۴۵)

“бас, улар фосиқлардир” (Δ:۴۶) деган оятларини келтириб:

«Уларнинг барчаси кофирлар ҳақида нозил бўлган!» - деб айтган.

Агар Хаворижлар бу оятларни қонун чиқариб, яҳудийлар қилган ишни қилганларга айтган бўлганларида, салафлар буни инкор қилмаган ва оятнинг тафсирини ўз асосида қолдиришган бўлардилар, яъни буни содир этган кишини кофир ҳукмида қолдиришган бўлар эдилар. Лекин у пайтларда баҳслашгани бундай ҳолатнинг ўзи бўлмаган, агар бундай ҳолатлар бўлганда эди, улар оятларнинг эҳтимолий иккинчи маънолари билан келтиришмаган бўлардилар, балки шундай оятларни келтиришардики, улар ўзларида мутлоқ маънони англатган қонунчиликни алмаштиришни билдирган, Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги сўзларига ўхшаш қуйидаги оятларни келтирган бўлардилар:

“Балким улар учун Аллоҳ буюрмаган нарсаларни уларга шариат қилиб берган шериклари бордир” (۴۲:۲۱)

“Албатта, шайтон ўз дўстларини (яъни мушрикларни) сизлар билан (ўлимтикни ейиш мумкин деб баҳслашаётган масалада сизларни қондириш) тортишиш учун васваса қилур. Агар уларга бўйсунсангизлар, ҳеч шак-шубҳасиз мушриклардан бўлиб қолурсизлар” (۹:۱۲۱)

Яна Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Жоҳилият ҳукми бўлишини хоҳлайдиларми?!»** (Δ:۵۰)

Бошқа оятда эса: **«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг “дини” Аллоҳнинг ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди»** (۳:۸۵)

Яна бундан келиб чиқадики, Хаворижлар танқид қилаётган саҳобаларнинг ҳаракатлари кофир ҳокимларнинг ширкига ўхшаш бўлиб қолади ва бу – барча саҳобаларни куфрда айблашлик демақдир. Кимда-ким уларни куфрда айбласа, ўзининг кофир бўлишида шак-шубҳа йўқдир. Чунки Аллоҳ субҳанаҳу таоло ўз Китобида улардан рози эканлиги ва улар ҳам Аллоҳдан рози бўлганликларини зикр қилган ҳамда уларни ҳокимлар ширкига ўхшаш ширқда айблашлик Қуръонни ёлғонга чиқариш ёки Аллоҳ кофирлардан рози бўлган дейишлиқдир, бу эса очиқ куфрдир. Бундай кишилар ўз тоғутларини оқлашлик учун, саҳобаларни ширқда айблашдек динини ҳалокатга олиб борадиган амалдан ўзларини тийишлари лозим.

Иккинчи шубҳа

«Улар “Ла илаҳа иллаллоҳ” - дейишади, қандай қилиб сизлар ҳукумат қўшини, махсус хизмат, ва миллий хавфсизлик, милиция ва шунга ўхшаш дунёвий қонун тафдорлари

ва ёрдамчиларини куфрда айблайсизлар, улар “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” - деб гувоҳлик бериб туришибди.

Аллоҳнинг пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам, вақтики, Усома кофир деб гумон қилган, қўрққанидан “ла илаҳа иллаллоҳ” - деяпти деган ўй билан бир кишини ўлдирганда, у кишига қаттиқ танбеҳ бериб: «Ла илаҳа иллаллоҳ» - дегандан кейин, қандай қилиб сен уни ўлдирдинг-а!?”-деб у кишига қаттиқ тегдилар ва яна Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Эй мўминлар, қачон Аллоҳ йўлида жиҳод учун сафарга чиқсангизлар (душманларингизни) аниқ таниб олинглар ва бу дунё молини истаб сизларга салом берган кишига: «Сен мўминмассан» деманглар! Зеро, Аллоҳнинг ҳузурида беҳисоб ўлжалар бордир. Илгари сизлар ҳам шундай эдингизлар (кофирлар қўли остида ўз иймонларингизни яшириб юришга мажбур эдингиз). Энди Аллоҳ сизларни мамнун қилди. Бас, (душманларингизни) аниқ таниб олингиз. Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор зотдир.»** (Ғ: 94)

Яна ҳадисда: **“Кимки “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” - деб гувоҳлик берган ҳолатда ҳаётдан кўз юмса, жаннатга киради”, бошқа ҳадисда: “Бир киши қиёмат куни ўзининг 99 жилдли гуноҳлари ёзилган “номаи аъмоли” билан келади ва энди мен тамом бўлдим – деб ўйлайди. Шунда тарозининг бир палласига гуноҳлари тўла номаи аъмоли, иккинчи паллага “Ла илаҳа иллаллоҳ” қўйилади ва гуноҳларидан оғир келади”**

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан марфуъ ҳадис олиб келишади, унда айтиладики: “Аллоҳнинг китоби бир кечада кўтарилади ва ер юзида Қуръондан бир оят ҳам қолмайди ва бир тўда одамлар на намоз ва истиғфор ва на ибодат нималигини билмайдиган одамлар қолади. Улар “Ла илаҳа иллаллоҳ - Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” - деган сўзни айтишади ва улар айтишади: “Биз бу калималарни ота-боболаримиз айтишарди, биз ҳам айтамиз “- дейишади. Сила (ҳадис эшитувчи) айтдики: “Улар намоз, истиғфор ва ибодат нималигини билмаганда, бу “Ла илаҳа иллаллоҳ” деган калима уларга қандай фойда беради?” Ҳузайфа розияллоҳу анҳу айтади: “шу уларни жаҳаннамдан қутқаради.” ва шунга ўхшаш бошқа ҳадислар.

Мен бу ерда улар одатда олиб келмайдиган ҳадисларни ҳам олиб келдим. Салафлар айтишадики: “Ҳаво тарафдорлари фақат ўзларининг фикрларини қўллайдиган далилларнигина олиб келишади, лекин Аҳли сунна ҳар иккала томоннинг далилларини олиб келади.”

Бу саволга бир неча қисмга бўлиб жавоб берамиз. Биринчиси:

Аллоҳ субҳанаҳу таоло Ўз Китоби ҳақида айтадики: **«У сизга китоб нозил қилган Зотдирки, у (Китобдан) шу Китобнинг асли моҳияти бўлган муҳкам – аниқ-равшан оятлар ҳам ва бошқа муташобих – тушуниш қийин бўлган оятлар ҳам (ўрин олгандир). Энди дилларида ҳақ йўлдан озиш бўлган кимсалар одамларни алдаб фитнага солиш ва ўз ҳавойи-нафсларига мувофиқ таъвил – тафсир қилиш учун унинг муташобих оятларига эргашадилар. Ҳолбуки ундай оятларнинг таъвилини ёлғиз Аллоҳгина билур. Илмда собитқадам бўлган кимсалар эса: «У Китобга иймон келтирганмиз. Ҳамма оятлари Роббимиз ҳузуридан дир» - дейдилар ва фақат аҳли донишларгина панд-насиҳат олур.»** (Ғ: 1)

Аллоҳ субҳанаҳу таоло мана бу оятда ўзининг бандаларини, уларга шариат қилиб Китобида аниқ ва равшан оятлар ва ҳар қандай тортишув ва келишмовчиликларда

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

унга мурожаат қилинадиган шариатнинг асоси бўлган очиқ буйруқлар нозил қилганини баён қилмоқда.

Мана шу оятнинг ўзида маъноси аниқ бўлмаган ёки бир неча маънони англатиши мумкин бўлган оятларни нозил қилганини бизларга баён қилади ва қалбида ҳақ йўлдан бурилишга мойил бўлган кимсалар, аниқ ва равшан оятларни қўйиб муташобих оятларга эргашадилар ва уни Аллоҳ хоҳлагандай тафсир қилмай, Аллоҳнинг бандаларини адаштириш ва уларни ўртасига тафриқа ва фитналар солиш учун фойдаланадилар.

Ҳаққа эргашган ва мустаҳкам илмга эга бўлганлар, маъноси тафсирга муҳтож бўлган оятларни Китобнинг асоси ва ўқ стержени бўлган ва тортишувли масалалар барчаси унга қайтараладиган аниқ ва равшан оятларга қайтарадилар.

Имом Шотибий ўзининг «Иътисом» номли китобида бу қоида нафақат Аллоҳнинг Китобида, балки пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида ҳам қўлланилишини баён қилади, чунки шундай ҳадислар борки, улар алоҳида одамлар ва ўзига хос шароитларда ва бирор воқеалар устида содир бўлган бўлади. Агар уларни бошқа уни тушунтириши мумкин бўлган ҳадис ва унинг содир бўлиш тарихига қайтарилмаса, бу ҳам аниқ, равшан оятларни ва ташлаб, тафсирга муҳтож бўлган муташобеҳ оятга эргашганга ўхшаш бўлади ва шу билан бирга хусусий маъносиз умумий маънони ва умумий матнга алоқаси бўла туриб уни ташлаб фақат алоҳида бир қисмларга ёпишиб олиш мумкин эмасдир. Буларнинг ҳаммаси аниқ ва равшан далилларни ташлаб, тафсирга муҳтож бўлган муташобеҳларга эргашишлик бўлади ва Аллоҳга буюрмаган нарсасини илмсизлик билан нисбатлашлик бўлади. Шунинг учун Аллоҳнинг китоби ва Росулнинг суннатига иймон келтириш ва эргашишлик, уларнинг бирортасини бир-биридан ажратмаган ҳолатдагина саҳиҳ бўлади. Далилларни ўз ҳаво-ю нафсларига мослаб ўрганиш ва эргашиш – бу қалбида залолатга мойиллик бўлган ва адашган тоифаларнинг йўлидир. Аксар тоифалар адашиб кетишига мана шу нарса сабаб бўлган. Хаворижлар тамомий эътиборларини мусулмонларга жаннат ваъда қилинган барча оятларни ташлаб, фақат жаҳаннам билан қўрқитилган оятларга қаратиш билан адашиб кетишди ва улар Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги Сўзини: **«Кимки Аллоҳ ва унинг росулига осий бўлса, бас, унинг учун жаҳаннам олови бордир. (Ундай кимсалар) ўша жойда абадий қолурлар»** (Ҳ:Ҳ) қурол қилиб олишди ва Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг: «Албатта Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур.» (Ҳ:Ҳ) деган Сўзини ташлашди.

Шунга ўхшаш муржиъа тоифалар юқоридаги Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ деганларга жаннат ва яхшилик ваъда қилинган оятларга ёпишиб, барча яхши амалларни ташладилар ва уларга эътибор бермадилар. Улар фақатгина “ла илаҳа иллаллоҳ” деб қўйиб, унинг шартлари ва вожиботларини, гарчи уни бажаришга қодир бўлсаларда четга суриб, иймонлари қабул бўлиб жаннатга кириб кетаверамиз деган фикрлар билан ўзларини хурсанд қилишди.

Ҳолбуки уламолар имом Бухорий, Ваҳб бин Мунаббихдан ривоят қилинган: «Ла илаҳа иллаллоҳ бу жаннатнинг калити, лекин ҳамма калитларнинг тишлари бўлади ва кимки калит билан келса-ю, унинг тишлари бўлмаса, у учун (жаннат эшиклари) очилмайди» деган ҳадисни, тишлар – бу иймоннинг сиҳҳатига далолат қиладиган талаблар ва буйруқларни қилишдир – деб тушунтиришган.

Оқил киши «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» деган калима, ўзида инкор ва тасдиқни жамлаганини жуда яхши тушунади. Унинг оддийгина маъносини эътиборга олмаган ҳолатда ёки унинг талабларини бажармай ва унга қарши келадиган барча нарсалардан четланмай, иймонни даъво қилиш, бу – Аллоҳ биздан талаб қилган нарса эмас.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Билгинки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.»** (Ғ: 19)

Яна айтадики: **«Магар ўзлари билганлари ҳолларида ҳақ гувоҳлик берган кишиларгина»** (Ғ: 86)

Ҳадисда эслатилган “Кимки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигини билиб вафот топса, жаннатга киради.” ҳам ўзида ягона Аллоҳга ибодат қилиш, тоғутдан четлашиш каби айнан шу маънодаги гувоҳликни ўз ичига олади ва бу унинг шартлари бажарилишлигини шарт қилади ва бу билан Аллоҳнинг марҳаматига эришади. Имом Нававий саҳиҳи Муслимнинг шарҳида “Кимки тавҳид билан вафот топса, жаннатга киради” деган алоҳида боб ажратган. Демак бу у ўз ичида олган тавҳид шартларининг бажарилишлигини талаб қилади ва унга қарши амаллар ҳамда эътиқодотлардан узоқлашмай, қуруқ шундай айтиб қўйишлик билан бўлмайди.

Шунга ўхшаш имом Бухорий Муоз розияллоҳу анҳудан олиб келган ҳадисда, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини Яманга юбораётганларида, одамларни қандай Исломга чақиришни таълим бериб айтдиларки: “Сени биринчи чақирадиган калиманг “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” калимаси бўлсин”, бошқа ривоятда “Ягона Аллоҳга иймон келтириш бўлсин” мана бу ҳадис, бу калимани айтишдан бўлган мақсад, ўз ичида инкор ва тасдиқ маъносини олган ва буни шунчаки айтиб қўйишлик билан бўлмаслигини кўрсатади.

Мен аввал сизларга тавсия қилган китобим “Мана бу икки (бир-бирига душманлик қилаётган) гуруҳ Парвардигорлари хусусида талашдилар” (Ғ: 19)да тавҳиднинг маъносини тушунтирганман. Унда “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” калимаси ва мустаҳкам арқон маъноларини ва уларни икки асос: тасдиқ ва инкор устига қурилганини тушунтирганман.

Инкор “Ла илаҳа – ҳеч қандай илоҳ йўқ” – бу тоғутни инкор қилиш, тасдиқ “Иллалоҳ - магар Аллоҳ” – бу ягона Аллоҳгагина ибодат ва бўйсинишлиқдир, буни Аллоҳ субҳанаҳу таоло бизларга мустаҳкам арқон нималигини айтаётганда тушунтириб айтганки: “Кимки тоғутни инкор қилса, ва Аллоҳга иймон келтирса, бас, мустаҳкам арқонни ушлабди” (Ғ: 256)

Аллоҳ субҳанаҳу таоло бу оятда нажот топиш ва мустаҳкам арқонда қолиш учун, икки шартни қўйдики, улардан бири иккинчисисиз саҳиҳ бўлмайди – булар “тоғутни инкор қилиш” ва “Аллоҳга иймон келтириш”дир. Фақат Аллоҳга иймон келтирса ва тоғутни инкор қилмаса, ёки аксини қилса, бундай амал унга ҳеч қандай фойда бермайди. Ҳар иккала шартни бажаришлиги шарт бўлади.

Тоғутнинг лашкарлари ва шунга ўхшаганлар то, тоғутни инкор қилмас эканлар, аксинча улар тоғутни ва ҳокимиятни бошқараётганларни ҳимоячисига ва унинг тарафдорига, лашкарига айланган эканлар, улар на мусулмонлар сафида ва на мустаҳкам арқонни ушлашганлар қаторида бўлишади, балки, ҳатто тавҳид калимасини минг марта зикр

қилишса ҳам, зиён кўрган мушриклар сафида ўз ширклари билан бу дунёдан ўтадилар.

Энди Аллоҳга подшоҳ ва президентларни олимларни шерик қилаётганлар ва ибодатнинг бирор бир турини: хоҳ сажда, ёки рукуъ – эгилиш ёки биз кўриб чиқаётган гуруҳлардаги ишлаб чиқарилган қонунларга итоат каби ибодатларнинг бирортасини уларга нисбатлашса, улар ҳақида нима дейиш мумкин?!

1. Тасдиқ ва инкор талабларини билишлик .
2. Бу талабларни бажариш.

3. Ҳақиқат ёлғон билан келишмайди.
4. Ихлос ширк билан келишмайди.
5. Иймон шубҳа билан келишмайди.
6. Бу калима ва у ҳидоят қилган нарсага мухаббат қилиш.
7. Бу калиманинг ҳар қандай талабларига тўғри келамайдиган нарсаларни инкор қилиш.

“Кимки Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканлигини билиб вафот топса, жаннатга киради” деган ҳадисни, Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги ояти билан боғлаши зарур бўлади:

“Кимки тоғутни инкор этса ва Аллоҳга иймон келтирса, дарҳақиқат у мустаҳкам арқонни ушлабди.” (Ҷ:Ҷ᠑᠙)

Яна Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги бошқа ояти: **«Албатта Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур.»** (Ғ:Ғ᠕)

16

ўзи айтгандир. Бу мавзуларда келтириладиган ҳадисларни биз оятлар билан шундай боғлашимиз керак. Бу нарса – масалани ҳар томонлама ўрганишимиз учун ва тафсир лозим бўлган зоҳирига эргашадиганлардан бўлиб қолмаслигимиз учун керак .

Бундан ташқари бу оят билан саҳиҳайнда келтирилган қуйидаги ҳадислар ҳам боғланади:

“Мен Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва ўзимнинг Аллоҳнинг росули эканлигимга гувоҳлик бераман ва кимки шу икки нарса билан Аллоҳга рўбарў бўлса ва унга шак қилмаса жаннатга киради.”

“Ҳар қандай одам Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва мени Аллоҳнинг росули эканлигимга гувоҳлик берса, Аллоҳ у учун жаҳаннамни ҳаром қилгандир.” ва шунга ўхшаш ҳадислар. Динни таниш, унда илм ҳосил қилиш ва маъноларини тушунишлик мана бундай амалга оширилади. Шунинг учун имом Нававий саҳиҳи Муслим шарҳида (жилд 1. 219 бет) бу маънодаги ҳадисларга бир неча уламоларнинг шарҳларини келтирган.

Биринчидан – бу ҳадислар қисқа таърифни ўз ичига олаган ва тафсирга муҳтож. Ҳадиснинг маъноси қуйидагича бўлади: Кимки «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» -деса, унинг талаблари ва зарур бўлган шартларини бажарса жаннатга киради - деб Ҳасанул-Басрий таъриф берган.

Иккинчидан – имом Бухорий бунини “кимки бу калимани айтиб тавба қилган ва шунинг устида вафот топган бўлса, жаҳаннамдан қутилади ва жаннатга дохил бўлади.

Имом Нававий айтадики: «Диққат билан изланишлар олиб борган уламолар шундай натижага келишганки, бу тафсирлар, агар калиманинг зоҳирий маъноси олинадиган бўлса керак бўлади ва агар ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўйиладиган бўлинса бу мушкулот ўртадан кетади.»

Худди шунга ўхшаш “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» - деб ёзилган варақ ҳақидаги ҳадис тўғрисида ҳам, ягона Аллоҳга ибодат қилиш шартларига амал қилиш, тоғутни инкор қилиш ва тавҳидга зид келадиган ҳар қандай амаллардан тийилишлик – деб айтишган.

Бу ҳадисни Аллоҳнинг ёрқин ва тиниқ қуйидаги ояти: **«Албатта Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас . Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур.»** (Ў:Ў) билан бирга боғласа, шунда биласанки, 99 жилд Исломдан чиқармайдиган ёки ширкка етиб бормаган гуноҳлари бўлса, бу ерда ширкка етиб борганлари инкор қилиниши, у варақдаги ёзувга хилоф келиши ва Аллоҳ субҳанаҳу таоло юқоридаги оятда айтганидек шу билан вафот топса уни кечирмаслиги ва жаннат унга ҳаром бўлиши аниқ. Агар бу гуноҳ жилдларида бирор Исломдан чиқарадиган жинояти бўлса эди бу ҳолатда бу варақ оғир келмасди ва ўз эгасини жаҳаннамдан қутқармасди, чунки бу ҳолатда бу варақ тавҳидга далолат қилувчи варақ эмас, балки аслига далолат қилмайдиган уни талаблари баржарилмаган тил учида маъноларини ҳам тушунмай айтиб қўйилган оддий қоғоздаги ёзувга айланарди.

Агар бу гуноҳ жилдларида Аллоҳдан ўзга бирортасига ибодат қилинганлиги ёки Аллоҳнинг қонунларини қўйиб, бошқа қонунларни ишлаб чиқарганлиги, ёки бу қонун чиқарувчиларга ёрдам бериб, қўллаб-қувватлагани, уларнинг динларини қабул қилганликлари, ёки аҳли тавҳидларга қарши жанг қилгани бўлса, у ҳолатда бу варақ ўз эгасини на ғолиб қилади ва на жаҳаннам оловидан қутқаради, чунки унинг Исломдан чиқарадиган амаллари бу нарсага тўсқинлик қилади. Гуноҳ жилдларида бу ерда кўрсатилган гуноҳлари, ширк ва исломдан чиқариш даражасига етиб бормаган

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

гуноҳлардир. Ҳадиснинг асл мақсади тавҳид калимасининг нақадар муҳим ва олий эканлигини билдиришдир ҳамда Аллоҳ айтганидек ва У рози бўладигандек кимки унга амал қилса, у ҳолда бундай тавҳид уни барча ширкка етмаган гуноҳларига кифоя қилишини билдиради. Худди шу маънони ҳадиси Қудсийда Аллоҳ субҳанаҳу таоло бизларга тушунтиради. **«Эй Одам фарзанди, агар сен ернинг қобиғи тўла гуноҳ билан келсанг ва менга рўбару бўлсанг ва менга ширк келтирмаган бўлсанг, мен сенга ернинг қобиғи тўла мағфират билан рўбару бўламан.»** Термизий ривояти.

Шунга ўхшаш Ҳузайфа розияллоҳу анҳу томонидан айтилган “Аллоҳ ўзининг китобини бир кечада осмонга кўтаради ва ер юзида бирор оят ҳам қолмайди” - деган ҳадис, агар уни саҳиҳ деб ҳисоблаган тақдиримизда ҳам, бу ҳадис, Ислом қонунларининг бирортасини билмайдиган ва калима далолат қилган маъно, уни риоя қилиш ва Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирмаслик, чунки Аллоҳ ўзига ширк келтиришлигини кечирмайди каби нарсаларни тушунмай ва билмай, фақат калимани лафзинигина айтган одамлар ҳақидадир. Намоз, закот ва бошқа шунга ўхшаш ибодатлар, агар улар тавҳид аҳлидан бўлсалар, улардан бу нарсалар кечирилади, чунки қонунлар уларни етказувчиси – росуллар орқали билдирилади. Ҳадисда эслатилганидек, Аллоҳнинг китоби у вақтда ердан кўтарилган ва ер юзида бирорта оят ҳам қолмаган бўлади ва Аллоҳнинг китоби айнан етказишлик воситасидирки, Аллоҳ субҳанаҳу таоло Ўзи уни ўз китобида қуйидагича зикр қилади: «Сизларни ва (Қуръон) етиб борган кишиларни (охират азобидан) у билан огоҳлантиришим учун менга—Қуръон ваҳий қилинди.» (Ғ: 19)

Кўриниб турибдики, кимга Қуръон кетиб борган бўлса унинг устидан унга ҳужжат бўлади ва кимга етиб бормаган бўлса, ундан шариат қонунларининг жуда кўпларига амал қилмаганликлари кечирилади, лекин тавҳиднинг асосини тарк қилган бўлса ва очиқ ширкка эргашган бўлса Аллоҳ уни кечирмайди, чунки Аллоҳ субҳанаҳу таоло бу масаланинг ўзини очиқ, аниқ далилларини, турли йўналишларда баён қилган. Ҳадисдаги одамларнинг ҳолати, агар уни саҳиҳ деб ҳисобласак, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам росул бўлишларидан аввал ҳаниф бўлган Зайд бин Амр бин Нуфайл ҳолатига ўхшайди. У пайғамбарни билмасди ва шу билан бирга тавҳидга ва Иброҳим алайҳис-салом динига амал қилган. У кишининг сўзлари саҳиҳи Бухорийда ибн Исҳоқ ривоятида қуйидагича келтирилади: **“Эй Аллоҳ агар мен Сени росулингни билганимда эди, у айтгандек Сенга ибодат қилган бўлар эдим, лекин мен уни билмайман.”**

Шунга ўхшаш у кишидан шариат қонунларига амал қилмаганликлари ҳам кечирилади, чунки бу фақат Аллоҳнинг росуллари орқали билдирилади. У кишининг қандай намоз ўқиш ва қандай закот ўташликни билмаганликлари сабабли, у кишидан шунга ўхшаш нарсалар кечирилади. Бевосита тавҳидга келадиган бўлсак бу, то унга амал қилинмагунча кечирилмайди, чунки бу – Аллоҳнинг бандаларидаги ҳаққидир. Юқоридагиларнинг барчасини, уларнинг шу айтган сўзлари “уларни жаҳаннам оловидан сақлайди” – деган пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига хулоса қилиш мумкин. Албатта бу пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари бўлса, лекин муҳаддис уламолар бу калима Ҳузайфа розияллоҳу анҳунинг сўзи – деб таъкидлашади. Баъзи муҳаддислар ҳатто бу ҳадисни бошидан охиригача саҳиҳмас деб ҳисоблашади, чунки унинг санад занжирида ёлғончи, сохтакор “Абу Муовия Ҳазим Азарир”нинг борлигидир ва у ривоят қилган барча ҳадислар агар у Ағмаша томонидан келмаган бўлса, заиф ҳисобланган, бу ердаги занжирда эса Ағмаша йўқ. Бундан ташқари, Ҳофиз бин Ҳажар ва бошқалар уни муржиалардан ҳисоблашган ва айнан шу ҳадисни муржиалар ўзларига ҳужжат сифатида олиб

келишади. Шунинг учун уламолар агар аҳли бидъатлар фикрини қўллаб-қувватлайдиган ривоятлар бўлса ва улар аҳли бидъатлар томонидан ривоят қилинаётган бўлса, уни қабул қилишдан эҳтиёт бўлишган. Шак-шубҳа йўқ-ки бу ҳадис, аҳли бидъат ўзига қурол қилиб олган ҳадислардан, бундай ҳадисларга нисбатан уламоларнинг фикри шундай бўлса, у ҳолатда ҳадис заиф ва занжирида каззоб ва сохтакор бўлган киши бўлса нима дейиш мумкин.

Усома тўғрисидаги ҳадисга келадиган бўлсак, у эндиgina исломни қабул қилган кофир ва ўзида исломга тўғри келмайдиган бирорта амални ҳали кўрсатмаган киши ҳақидадир. Унга ўхшашларни ўлдириш аслан мумкин эмас, чунки бу калимани айтиш билан ўз амниятини кафолатлади, вожиботларни бўйнига юклади ва то исломдан чиқадиган амал ундан содир бўлмас экан унинг моли ва жони ҳаромдир.

Шунинг учун имом Нававий саҳиҳи Муслим шарҳида, "Кофир кимса "ла илаҳа иллалоҳ" калимасини айтгандан сўнг, уни ўлдириш мумкин эмаслиги" ҳақида алоҳида бўлим ажратган. Лекин биз бу ерда "даҳлсизликнинг бошланиши ва унинг давом этиши" ўртасида катта фарқ борлигини билишимиз керак. Кофир тавҳид калимасини айтишлиги билан даҳлсизлик остига киради, лекин ундаги даҳлсизликнинг давом этиши учун у тавҳид калимасининг шарт ва талабларини бажариши ва унга хилоф келадиган амалларни тарк қилиши лозим бўлади. Вақтики кофир кимса тавҳид калимасини зикр қилганда, у ўзининг Ислом қонунларини қабул қилишга тайёр эканлигини, бу калима талаб ва шартларига бўйсунислигини ва унга хилоф келадиган ҳар қандай нарсалардан четлашислигини эътироф қилади (Чунки калиманинг мазмунида шу эътирофлар мавжуд). Агар у бу нарсаларнинг барчасига амал қилмаса, ёки унга хилоф амалларни қиладиган бўлса, калимани айтганда қўлга киритган даҳлсизлик мавқеини йўқотади.

Демак, бу ҳадис, яқинда Исломни қабул қилган ва унга қарши келадиган ҳеч қандай амалларни қилмаган киши ҳақидадир. Лекин, буни далил қилаётганларга назар ташласак, улар аввалдан исломни даъво қилаётган ва ўзини мусулмонларга нисбатлаётган ҳамда Ислом ва мусулмонларга қарши жанг эълон қилган, шунингдек тоғут ва унинг тарафдорларига дўстик қўлини чўзган, унинг ноҳақлик, қонун ва кизбларига тарафдорлик қилаётган ҳолатда кўрасан. Бундай типдаги одамлар, агар юз минглаб марта бу калимани айтса ҳам унга ҳеч қандай фойда бермайди, то ўз ширки, куфри ва ибодат қилаётган, дўстлик кўрсатаётган ва ҳимоя қилаётган тоғутини тарк қилмагунча. Чунки, бутун ҳаёти давомида амал қилмаган, тавҳид калимасининг асосий маъноси ҳам мана шу нарсага хулосаланади.

Юқорида келтирилган ҳадисни Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги ояти қўллаб-қувватлайди: **“Эй мўъминлар, қачон Аллоҳ йўлида жиҳод учун сафарга чиқсангизлар, (душманларингизни) аниқ таниб олинглар ва бу ҳаёти – дунёнинг нарсасини истаб, сизларга салом берган кишиги: “Сен мўъмин эмассан” деманглар! Зеро Аллоҳнинг ҳузурида беҳисоб ўлжалар бордир.”** (Ғ: ٩٤)

Мана бу оятнинг нозил бўлиш сабаби: Бир гуруҳ саҳобалар, бир тўда қўй подаси бор киши олдидан ўтиб кетишаётганда, у уларга исломий одатга кўра салом берди ва бу билан у ўзининг мусулмон эканлигини билдирди ва исломга хилоф ҳеч амални ўзида кўрсатмади. Лекин шунга қарамай Усома ва унинг шериклари у кишини ўлдиришди ва унинг исломни ўзида зоҳир қилишини кўрққанликдан деб ҳужжатлашди ва қўйларни олиб кетишди.

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

Аллоҳ субҳанаҳу таоло, бу нарсани ҳар қандай ўзида Исломи кўрсатган кишилар, агар Иломга қарши амал қилишмаса, уларнинг зоҳирига кифояланишлик шарт эканлик мажбуриятини юклаб Қуръони Каримда зикр қилди.

Агар, у ўзида Исломи зоҳир қилгандан кейин, бошқа динни ҳам ўзида кўрсатса, масалан демократия динини ва ундан четлашмай, ёки уни дунёвий қонунларини қўллаб-қувватлаётган бўлса, у ҳолатда биз ундан то Аллоҳнинг ҳаққи бўлган ибодатнинг барчасини фақат Унинг Ўзигагина қилмагунгача ва унга қарши бўлган амалларни тарк қилмагунгача, унинг Иломини қабул қилмаймиз. Шунинг учун ҳам Аллоҳ субҳанаҳу таоло “аниқ таниб олинглар” - деди.

Учинчи шубҳа

“Улар намоз ўқишади, рўза тутишади ва ҳаж қилишади”

Улар: “Сизлар қандай қилиб дунёвий қонун лашкарларини ва конституция тарафдорларини муртад ва динсизликда айблайсизлар, ҳолбуки улар намоз ўқишади, ҳаж қилишади ва рўза тутишади” - деганга ўхшаш шубҳаларни келтиришади ва ҳатто баъзида саҳиҳи Муслимдаги адолатсиз ҳокимлар ҳақидаги ҳадисларни ва шу ҳадислардаги саҳоба розияллоҳу анҳумнинг “Эй Аллоҳнинг росули, улар билан жанг қиламизми?” – дейишганда – “Йўқ, агар то улар сизларнинг орангизда намозни барпо қилиб турар эканлар” - деган сўзларни келтиришади.

Бундан ташқари, Зул-Ҳувайсара ҳадисини далил қилиб келтиришади-ки, унда, Зул-Ҳувайсара пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ўлжа тақсимотида тақсимотдан норози бўлади, шунда Холид ибн Валид: “Мен уни қатл қилайми?” - деб ижозат сўрайди, шунда пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “У намоз ўқийди-ку, ҳолбуки мен намоз ўқийдиганларни қатл қилмасликка буюрилганман” - дедилар, бошқа ривоятда “Одамлар “Муҳаммад ўз саҳобаларини қатл қиляпти” дейишади” – дедилар.

Уларнинг бу далилларига биз айтаемизки: “Биласанки, Аллоҳ барча пайғамбарларга (алайҳимус-салом) юборган динининг асоси – ягона Аллоҳга ибодат қилишликка асосланган ва билишинг керак-ки, ҳар қандай ибодат ва амалларнинг қабул бўлиши учун қўйилган энг асосий шарт ҳам шудир. Ҳар қандай қилинган яхши амаллар, то мана шу асосий шарт ва у билан биргаликда бошқа шарт – пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишлик билан бўлмаса, у яхши амал ҳисобланмайди ва қабул ҳам қилинмайди. Бу асосий шартнинг бўлмаслиги, ибодатни ботил қилади ва унинг ҳақиқатини йўққа чиқаради. Шунинг учун Аллоҳ субҳанаҳу таоло Қуръони каримда кофирларнинг жуда кўп яхши ишларини зикр қилади ва уларнинг бу амаллари қабул бўлмаслиги ва чанг-тўзонга айлантирилишини баён қилади. Чунки уларнинг амалларини қабул бўлиши учун бўлган асосий шарт – тавҳид ва эргашишликнинг йўқлигидир. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **“Кофир бўлган кимсаларнинг қилган амаллари эса саҳродаги саробга ўхшайди. Ташна бўлган одам уни сув деб ўйлар, токи қачон унинг олдида келгач, ҳеч нарса эмаслигини кўрур ва Аллоҳни унинг (яъни қилган амалининг) олдида топур. Бас, У зот унинг ҳисоб-китобини комил қилур. Аллоҳ жуда тез ҳисоб-китоб қилгувчидир.”** (Ҳ:Ҳ)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси қудсийда Роббисидан ривоят қилиб айтадиларки: **«Мен шериклардан беҳожатдирман, ва кимки бирор амалини менга ширк келтирган ҳолатда қилса, мен уни ширк келтирган нарсасига топшириб қўяман».**

Уламолар буни кичкина ширк ҳақида дейишади, энди катта ширк ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Биз бу ерда билишимиз керак бўлган асосий масала шуки, намознинг ибодат сифатидаги ҳақиқатини рўёбга чиқарувчи ва қабул бўлишининг асосий шarti бу – тавҳиддир.

Исломга киришлик “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” - деган тавҳид калимаси билан бўлади, тавҳидсиз ўқилган намоз ёки бошқа ибодатлар билан бўлмайди. Уламолар намоз ўқувчиларни исломга нисбатлашаётганда, намознинг ичига тавҳиднинг киришини ҳам эътиборга олишиб, нисбатлашади. Чунки тавҳид мана шу намоз ҳақиқийлигининг ва қабул бўлишининг шартидир. Кимки намоз ўқиса, рўза тутса ва закот берса-ю, лекин тавҳиднинг икки устуни бўлган – ягона Аллоҳга иймон келтириш ва тоғутни инкор қилиш бўлган шартларига амал қилмаган бўлса, унинг намозигина эмас, балки барча ишлари ботилдир. Кимки ширк амалини қилиб, тоғутга бўлган ибодатдан четланмай ва уларга ёрдам беришдан тийилмай ибодат қилса, унинг намози қабул бўлмайди, чунки бундай одам Исломга умуман кирмаган ва ширкдан четланмаган одам ҳисобланади. Бунга Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг китобидан очиқ бўлган далил: **«Дарҳақиқат, сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга) ҳам (шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки, агар сиздан ширк амали содир бўлса, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурсан!»»** (Ҳ: 9: 25)

Яна Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Агар улар мушрик бўлганларида, қилган амаллари беҳуда кетган бўлар эди.»** (Ҳ: 18)

Тоғутга ибодат қилиш, унинг қонунларига эргашишдек Аллоҳга қилинаётган ширклардан четланишлик, амалларнинг қабул бўлиши учун бўлган энг асосий шартлардандир ва Аллоҳ субҳанаҳу таоло бандаларига юклаган биринчи мажбуриятдир, усиз унинг амалларининг бирортаси қабул бўлмайди.

Бу тоғутнинг лашкарлари Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг амрига лаббай деб жавоб беришнинг ўрнига (ҳолбуки уларга тоғутдан четланишлик буюрилган эди):

“Ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирдик деб ҳисоблайдиган (айрим)кимсаларнинг тоғутга ҳукм сўраб боришини истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истади.” (Ҳ: 2)

Улар бу айtilган сўзни ўз ўрнидан ўзгартиришди ва натижада тоғутни ҳимоя қилишди, уларни қўллаб-қувватлашди, унинг орқасидан эргашишди, яна қонун чиқаришда унга ёрдам беришди ва шу куфрий қонуларнинг амалга ошишligида кўмак беришди. Шунинг учун ҳам уларнинг намозлари, рўзалари ва бошқа амаллари, агар амалларни қабул бўлиш шартини риоя қилишмаса, Аллоҳнинг ҳузурида асло қабул бўлмайди.

Мана ўзингиз айтинг, агар у ҳарбий ёки зобит, хавфсизлик хизматининг жосуси ёки, полиция ва шунга ўхшашлар таҳоратсиз намоз ўқишса, уларнинг намозлари Аллоҳнинг ҳузурида қабул бўладими? Ёки бу ибодати ботил бўлиб ўзига қайтмайдими? Албатта, сен бу ерда шак-шубҳа йўқ-ки, намоз таҳоратсиз қабул бўлмайди дейсан. Шундай экан эй Аллоҳнинг бандаси ўйлаб кўр, агар намознинг қабул бўлиш шarti бўлган таҳорат агар бўлмаса, намоз қабул бўлмас экан, у ҳолатда амалларнинг Аллоҳнинг ҳузурида қабул бўлишининг асосий шarti бўлган тавҳид ва тоғутни тарк этишдек асослар ҳақида нима дейиш мумкин!?

Шунинг учун ҳам тавҳид ва тоғутни инкор қилиш Одам фарзандларига Аллоҳ томонидан қўйилган шартдир. Ҳали намоз ўрганишдан олдин ва бу намоз усиз қабул бўлмайдиган таҳоратни ўрганишдан олдин Аллоҳ бунга таълим олишликка, риоя қилишликка ва амалий суратда ҳаётга татбиқ қилишга буюрди. Ҳали саҳобалар Маккада бўлган пайтларида, намоз ва бошқа муҳим ибодатлар ҳали фарз бўлмасдан аввал, бу шарт уларнинг бўйнига мажбурият қилинган эди. Ҳаммамизга маълум-ки, саҳобаларни мана шу асосий шарт учун азоблашди ва ҳатто улар Маккани тарк этишга мажбур бўлишди. Уларни бу мушрик қавмлар намоз ўқиганлари учун ёки закот ва шунга ўхшаш бошқа ибодатлар ёки ҳали фарз бўлмаган шариат қонунлари учун азоблашмаган эди. Аллоҳ субҳанаҳу таоло саҳобалардан риоя қилишни талаб қилган энг биринчи талаби, амалларнинг қабул бўлиш шарти бўлган бу – улуғ амал (Аллоҳга иймон келтириш ва тоғутни тарк этишлиқдир) эди.

Шунинг учун ҳам, мушрикларни исломга чақириш, намоздан, закотдан ёки бошқа шариат қонунларига чақиришлиқдан бошланмайди. Бу пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва унинг саҳобалари розияллоҳу анхумнинг даъват йўллари эмас, балки ислом даъвати тавҳидга амал қилиш ва тоғутни инкор қилиш, шариатдаги бошқа барча ишлардан муқаддам қилинади. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, улар даъватларини ҳеч қачон бу усулда бошлашмаган. Муоз ибн Жабал тўғрисидаги ҳадисни ўйлаб кўр, бу ҳадис ҳар иккала саҳиҳда ҳам келтирилган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини Яманга ислом даъвати учун юбораётганларида, даъват таълимини бериб айтдиларки: “Сен уларни биринчи “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”лигига гувоҳлик беришликка чақир (бошқа ривоятда – “ягона Аллоҳга иймон келтиришга”) Агар улар сенга бу нарсада итоат қилишса, уларга бир кеча-кундузда Аллоҳ 5 вақт намозни фарз қилганини тушунтир ва агар бунга ҳам итоат қилишса, Аллоҳ уларга бойлардан олиниб муҳтожларга бериладиган закотнинг фарз қилганини тушунтир!”

Даставвал инсонни исломга даъват қилинаётганда, даъват намоздан эмас, балки тавҳиддан бошланади ва тавҳидга риоя қилингандагина унга намоз, закот ва шунга ўхшаш бошқа шариат қонунларининг мажбурияти юкланади.

Кимки, тавҳидга амал қилса ҳамда мустаҳкам халқани ушласа, у дарҳақиқат нажот топади, унинг намози ва бошқа исломнинг арконлари ундан қабул бўлади. Кимда-ким ислом арконларини маҳкам ушласа-ю, лекин мустаҳкам халқани (ягона Аллоҳга иймон келтириш ва тоғутни инкор қилиш) тарк этса, шубҳасиз зиён кўргувчилардан бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, бу дунёда, ўзини ибодатга нисбатлаган жуда кўпчилик одамларнинг ибодатлари қиёмат кунида инкор қилинади ва уларнинг жойлари жаҳаннам бўлади.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **“У кунда (кофирларнинг) юзлари эгилиб қолгувчи, меҳнат-машаққат чеккувчидир.”** (АА: ۲-۳)

Яъни, ўзларининг қилган амаллари сабабли (яъни амал ва ибодатларида асосий шарт – тавҳиднинг бўлмаганлигидан, тафсири Саъдийни қаранг) уларнинг кейинги йўли – **“(улар) қизиган дўзахга кирур”** (АА: ۴)

Чунки уларнинг бу ибодатлари, намозлари, чеккан машаққатлари тавҳид ва ихлос асосида қилинмагани учун, қиёмат куни чангу-ғуборга айланади .

Юқоридагилардан, агар тушунган бўлсанг, биз кўриб чиққан бу ҳолатлар мусулмон динининг қонидаси ва барча тафсирига муҳтож бўлган матнлар унга қайтариладиган муҳим асослардан биридир. Мана шу йўналишда, сен бу бобдаги бошқа тушунарси ва чалкаш кўринган ҳадисларни ҳам тушуниб олишинг мумкин.

Юқоридаги бобдаги ҳадислардан, имом Муслим келтирган, ўзаро намозни барпо қилиб турган амирларга қарши жанг қилишдан пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтарганлиги тўғрисидаги мавзу – бу ердаги намоздан бўлган мурод, уларнинг бу намозлари билан бирга дин ва тавҳидни риоя қилишларидир, улар даъво қилаётганлардек тавҳидни ташлаб, намозни ўқиш эмас!!!

Бизнинг бу сўзимизга далил бўлиб намоз ва закотдан ҳам аввал тавҳидни руёбга чиқармаганларга қарши пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жанг қилишга буюрилганликлари тўғрисидаги ҳадисдир. Бу муттафақун алайҳ бўлган ва юқоридаги ҳадисни шарҳлаб келган ҳадисдир:

“Менга то халқлар Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад (алайҳис салом) унинг росули эканлигига гувоҳлик бермагунларича, намозни барпо қилмагунларича ва закотни адо қилмагунларича уларга қарши жанг қилишга буюрилдим ва агар улар буни қилишса, уларнинг моллари ва жонлари омондадир илло ҳақ билан бўлса, бошқа амалларининг ҳисоби Аллоҳгадир”

Эътибор бериб кўр, ҳадисда жанг қилишдан бўлган асосий мақсад – тавҳид зикр қилиняпти ва шундан кейингина, ҳақ-ҳуқуқлар ва тавҳид талаблари зикр қилиняпти. Худди шу маънони Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги сўзлари ҳам исботлайди:

“Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўқис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз!!!” (۹:۵)

Агар улар ўз ширк-куфрларидан тавба қилишиб тоғутларидан четланишса ҳамда тавҳидга риоя қилишса ва шундан кейин намозни барпо қилишиб закотни ўташса, моллари ва жонлари омондадир, магар ҳақ билан бўлса.

Намозни тавҳидсиз ва ширкдан тавба қилмаган ҳолатда, ёки намозни “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” шаҳодатини йўққа чиқарадиган амаллар билан адо қилишлик, буларнинг барчаси Аллоҳнинг ҳузурида ҳеч қандай эътибори йўқ, ҳолбуки пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида қанчадан-қанча намозхонлар фақатгина бир сўзлари билан кофир ва муртадга айланишди.

Мисол қилиб биз Табук ғазотига чиққан ва ҳақиқатда намоз ўқийдиган ва ўзларининг битта амаллари билан кофирга айланган бир гуруҳ мусулмонларни олиб келишимиз мумкин. Улар Ислом ва тавҳидга хилоф бўлган – Аллоҳнинг оятларидан кулишдек амаллари билан кофирга айланишди.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“Ўзр айтманглар, аввал иймонда эдинглар, энди кофир бўлдинглар.” (۹:۶۶).

Шундан келиб чиқиб уламолар ўзларининг фикр китоблари “Муртад ҳукми боби”да жавоб бериб, муртадга қуйидагича таъриф беришади: Муртад бу – мусулмон бўлгандан кейин ўз иймонидан сўз, амал ёки эътиқод билан (тўғрироғи намозхон бўлгандан кейин) қайтишидир. Шунинг учун Шайхул-Ислом ибн Таймия (Аллоҳ у

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

кишидан рози бўлсин) ўз даврида мўғул татарларнинг қонуни ва конституцияси бўлган Ясуқнинг бандаларига ва унинг тарафдорларига муртад ва кофир ҳукмини бердилар, ҳолбуки уларнинг ичида аксарлари намоз ўқир эди. (Фатаво 28-томга қаранг)

Худди шунга ўхшаш сўзларни Зул-Ҳувайсара ҳадиси ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “ахир у намоз ўқийдику” деган сўзларига ҳам айтиш мумкин. Ҳадисдан маълум бўладики, бундай ҳолатларда инсоннинг тавҳидни ўзида кўрсатиб турган, зоҳири олинади ва қалби Аллоҳга қолдирилади, шунингдек аввалда келтирган қоидамиздан сенга маълумки, тавҳидсиз бирорта намоз қабул бўлмайди. Агар бу киши тоғутга ибодат қилса ёки унга ёрдам бериб, қўллаб-қувватласа ва Аллоҳдан ўзгани ўзига қонун чиқарувчи ва қози қилиб танласа, бу зоҳирий кўринишларнинг барчаси бу кишида топилганда пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан битта намози билангина Исломини қабул қилмаган бўлар эдилар.

Бу ҳадис ва шунга ўхшаш юқоридаги барча ҳадислардан маълум бўладики, қиблага қараб намоз ўқиётган барча кишиларнинг жони ва моли омондандир, чунки уларнинг намози ўз ичига тавҳидни ҳам жамлайди ва уларга берилган бу омонлик то, зоҳирларида Иломдан чиқарувчи очиқ амалларни содир этгунларича жорий бўлади.

Конституция ва дунёвий қонунлар тарафдорлари ўзларининг ширкка (конституция ва тарафдорларига) ёрдам беришлари билан ва уни аҳли тавҳидлар муқобилида мустаҳкамлаш билан очиқ-ойдин Иломдан чиқарувчи амалларга қўл уришган. Уларга намоз ўқишлари ҳеч қандай ёрдам бермайди. То намозлари шу амаллари билан бирга бўлар экан, Аллоҳнинг ҳузурида унинг ҳеч қандай қиймати йўқдир.

Тўртинчи шубҳа

Кимки мусулмонни кофир деса, ўзи кофирдир.

Дунёвий қонун лашкарлари фойдасига тортишаётганлар айтишадики: “Бир кишини куфрда айблашлик жудаям хатарли амалдир, чунки пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларки: «Кимки бир мусулмонни куфрда айбласа, ўзи кофирдир», ҳатто баъзи жоҳиллари “кофир ота-онадан туғилган кофирнигина куфрда айбласа бўлади” - дейишади.”

Биз уларга жавоб берамизки: «Ҳар бир куфрда айблашлик хавфли эмас, балки мусулмон кишини шаръий далилсиз, ҳавои нафси, тарафкашлик ва мурасизлик сабабидан куфрда айблашлик хавфлидир ва хатарлидир.”

Ҳар бир куфр ёмон ва ҳар бир иймон ҳам мақтовли эмас. Иймоннинг ичида Аллоҳга иймон келтиришга ўхшаш вожиблари бор ва унинг ичида тоғутга иймон келтиришга ўхшаш ҳаром қилинганлари бор. Шунингдек куфрнинг ичида ҳам тоғутга куфр келтиришга ўхшаш вожиб ва мақталганлари бор. Бунинг муқобилида Аллоҳга, Унинг оятларига ва динига куфр келтиришга ўхшаш ҳаром ва ёмон тарафлари бор. Бас шундай экан, мусулмон кишини шаръий далилсиз куфрда айблашлик жудаям хавфли иш бўлганидек, кофир ва мушрикни иймон ва исломга нисбатлагашлик ҳам жуда хатарли ишдир. Чунки бу иккинчи ҳолатда ислом ақидаси бизга юклаган мажбурият асосида, кофир ва мушрикнинг моли ва жони омонда бўлади, сўнг у исломий биродарлик сафига ўтади, унга дўстлик қўли чўзилади. Шундай экан бу жудаям хавфли иш ва энг катта фитнадир.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“Кофир бўлган кимсалар бир-бирлари билан дўст ва ҳамкордирлар (Бас, эй мўъминлар сизлар уларни ўзларингизга душман тутингиз). Агар шундай қилмасанглар (мўъминга дўст ва кофирга душман бўлмасанглар), ерда (сизларни сафингизда) фитна ва фасод бўлур.” (А:Ҳ)

Юқорида келтирилган ҳадис, улар олиб келган ўринда нотўғридир, чунки бир мусулмонни куфрда айблаётган ҳар бир мусулмон кофир бўлавермайди ва бўлиб ҳам агар айбланаётган мусулмон ҳақиқатда “Аллоҳ ва унинг росули куфр” деган амални содир қилган бўлса.

Ҳадиснинг лафзини, умуман мусулмон кишини куфрда айблаб бўлмайди – деб тушуниш, Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги **“Ўзр айтманглар, аввал иймонда эдинглар, энди кофир бўлдинглар”** - деган оятига ва **“Албатта, ўзларига ҳидоят (йўли) аниқ-равшан бўлгандан кейин яна ортларига (куфрга) қайтиб кетган кимсаларга (бу ишларини) шайтон чиройли қилиб кўрсатди ва улар учун (пуч орзу-хаёллари) узун қилиб қўйди.” (Ғ:Ҳ)** – деган оятларига хилоф келиб қолишига сабаб бўлади.

Яна шу йўналишда Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“Эй иймон келтирганлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур ва улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўъминларга хокисор, кофирларга эса қаттиққўл, бирор маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай Аллоҳ йўлида жиҳод қиладиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазли-марҳамати бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ фазлу-марҳамати кенг, билгувчидир.” (А:Ҳ)

Агар мусулмон киши умуман куфрда ва диндан қайтишликда айбланмаса, у ҳолатда, ислом фикҳ китобларида келтирилган “муртаднинг ҳукми” бобларининг нима кераги бор. Худди шу жумладан пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Кимки динини алмаштирса, уни қатл қилинганлар” деган ҳадислари-чи!?

Саҳиҳи Муслимда келтирилган бу ҳадиснинг асл лафзи қуйидагичадир (Ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси): **“Кимки ўз мусулмон биродарига “эй кофир” деса, агар шундай бўлса шундай ва агар ундай бўлмаса, бу куфр ўзига қайтиб келади.”**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “агар шундай бўлса шундай” дейишлари куфр амалини қилган мусулмон кишини куфрда айблалликка ижозат эканлигига далолат қилади, яъни у кишида шу нарса бўлса ҳеч қандай монеълик йўқ. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “агар ундай бўлмаса, бу куфр ўзига қайтади”, яъни агар куфрда айбланган киши кофир бўлмаса, кофир бўлмайди.

Шунинг учун бир киши куфр амали кўринган мусулмон кишини куфрда айбласа, у киши бу ҳукми билан кофир бўлмайди ва агар ҳукми нотўғри бўлса ҳам. Чунки бу ерда унинг ўзи ҳам билмайдиган, бу ҳукмнинг келиши учун бир монеълик сабаблари бор ва аксинча агар у бир кишини Аллоҳнинг дини ва унинг ҳаром қилган нарсалари учун ғазабланиб куфрда айбласа, балки савобга эга бўлиши мумкин, худди Умар розияллоҳу анҳу воқеасида бўлганга ўхшаш. У киши пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Рухсат этинг, бу мунофиқнинг калласини олай» - дедилар. Мен бу ерда Хотиб Абу Балтаъани назарда тутяпман. Шу вақтда пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар розияллоҳу анҳуга Хотиб кофир бўлмаганини тушунтирдилар. Аммо

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

бизнинг қаршимизда турган баъзи инсонларга ўхшаб: «Сен Хотибни айблаган куфр, сенинг ўзинга қайтди, чунки ким мусулмон кишини куфрда айбласа, куфри ўзига қайтади» демадилар.

Ибн Қаййум (раҳимаҳуллоҳ) ўзининг “Зодул-маъод” китобида, Хотиб воқеасини келтириб, худди шундай тушунтиради.

Юқоридагилардан маълум бўладики, кимда-ким мусулмон кишини ўз нафси-ҳавоси, кўр-кўрона ўз ҳизби ва жамоасига бўлган таассубияти билан куфрда айбласа, бу хатарли ва хавфли ишдир. Бундан ташқари ҳар бир аҳли тавҳид бу ҳадисни уламолар бир неча йўналишда шарҳ қилганларини билиши фойдалидир:

1. Кимки мусулмонни дини ва тавҳидини куфр – деса кофир бўлади.
2. Яна ҳадисдан маълум бўладики, кимки мусулмонни куфрда айблашликда чуқур кетиб ва уни суистеъмол қилса, ўзи кофир бўлиши мумкин.

Имом Нававий саҳиҳи Муслимнинг шарҳида бу ҳадисга тегишли бир неча шарҳларни келтирган. Бу ҳадисни фақат ташқи зоҳирий маъносига қаралганда, аҳли сунна вал жамоатнинг иймон ва куфр масаласидаги ақидасига тўғри келмагани учун, уламолар бу ҳадисни очиқловчи бошқа оят ва ҳадисларга мурожаат қилиб, уни шарҳлашга уринишган. Бу – масаланинг муҳимлигидан бўлиб, бу ҳақда Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас . Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур” (﴿:﴾)

Ҳеч қандай шак-шубҳа йўқки, ҳатто бир мусулмонни дунёвий сабабларга кўра, ҳавои нафсига кўра ёки ғазабланиб куфрда айблашлик гуноҳи ҳам ширкка етиб бормайди. Шунинг учун уламолар бу ҳадисни тушунтирувчи бошқа нассларни у билан боғлашга ҳаракат қилишган.

Бу ҳадисни бизга қарши олиб келаётган, бизларни ва бошқа аҳли тавҳид мусулмонларни, уларнинг (ноқис) тавҳидидан, ва тоғутлардан четлашганимиз учун ушлаган ақидамизни - “хаворижларнинг дини” деб (тоғут қонунларини қўллаб-қувватлаш ва аҳли тавҳидларга қарши тоғут лашкарларига ёрдам бериш учун) номлаётганларнинг ўзлари шу келтираётган ҳадислари билан кофир бўлишади ва бундай ҳукм ҳақиқат, шак-шубҳасиздир. Шунингдек бундай ҳолатда уламолар уни шарҳлашларига ҳам ҳожат йўқдир, чунки улар содир этаётган бу амаллар шубҳасиз куфрдир.

Энди “ҳеч кимни куфрда айблаб бўлмайди, магарам кофир ота-онадан туғилган кофирнигина айблаб бўлади” - деган жоҳилнинг сўзига келадиган бўлсак, бу эътиборга ҳам олинмайди, бу сўзнинг эгаси ўз сўзидан маълумки ақли бироз заифроқ ёки диннинг аслини тушунмайди. Шунинг учун бунга вақт ва қувватни сарфлаб ўтиришга ҳам арзимайди. Бирор мусулмонни ҳеч қандай шароитда куфрда айблаб бўлмайди – деган сўзни на бирор олим ва на бирор жоҳил айтмаган. Бу сўзга юқорида келтирилган оят ва ҳадисларнинг ўзи кифоя қилади.

Бешинчи шубҳа

Жаҳолат яъни, билмасликни узр қилиб келтириш. Дунёвий қонун лашкарлари тарафдорлари айтишадики: «Улар жоҳилдирлар (яъни илми йўқ, билмайдилар) ва улар таълим берувчи ҳамда тушунтирувчига муҳтождирлар. Улар ўз раҳбарларининг тоғут эканлигини ва уларга қонунларида итоат қилишлик – ибодат ва ширк эканлигини билмайдилар. Шундан келиб чиқадиган бўлинса бу тоғутларга ёрдам бериш ва қонунларини ҳимоя қилиш куфр бўлмайди.

Жавоб: Шак-шубҳасиз буларга ўхшаш ва бошқа лашкарларни даъват қилиш муҳим ва яхши амаллардандир.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“(Одамларни) Аллоҳ(нинг дини)га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, ”Шак-шубҳасиз мен мусулмонлардандирман” деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор?” ۴۱:۳۳

Лекин, ҳар қандай Аллоҳга ибодатда ширк келтираётган киши, исломга даъват қилинишидан олдин, даъват қилинаётган вақтда ва даъват қилингандан кейин то, тавҳидга амал қилиб тоғутдан четланмас экан, мушрик бўйича қолади. Сен биласанки, бу лашкарлар ўз хўжайинлари билан қонунчиликда биргаликда келишувга эришган ва бу қонун-тартибларни ҳимоя қилишади ҳамда бу билан улар мушрик бўлишади. Чунки улар бу амаллари билан Аллоҳдан бошқасига ибодат қилишади ва бу қонун чиқарувчиларни Аллоҳнинг ўрнига ўзларига Робб қилиб олишади. Даъватнинг муҳимлиги уларнинг бу ҳолатида ҳеч қандай ўзгариш ясамайди, уларни тавҳид аҳлига айлантириб ҳам қўймайди ва улардан мушрик номини олиб ҳам қўймайди.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад) агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг. Бу ҳукм уларнинг билмайдиган (жоҳил) қавм бўлганлари учундир.” ۹:۶

Бу ерда Аллоҳ субҳанаҳу таоло уларни ҳали Аллоҳнинг оятларини эшитмасдан аввал мушриклар деб атади ва мушрик бўлиш билан бирга уларни билмайдиган (жоҳил) қавм эканлигини ҳам зикр қилди. Аллоҳ субҳанаҳу таоло пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга уларни даъват қилишга буюргандан кейин, уларни мушрик – деб номланишида, то улар ўз ширкларида бардавом эканлар ва тавҳидга амал қилмас эканлар, на даъватгача ва на даъват вақтида ва на даъватдан кейин ўзгариш бўлди.

Буларнинг барчаси улар содир этаётган катта ширкни соф Исломга қарама-қарши келишлигидадир. Аллоҳдан бошқага зоҳирий ибодатларга таалуқли бирор амални қилишлик, катта ширк жумласидандир ҳамда ҳеч қандай билмаслик ва жоҳиллик билан оқланмайди.

Дарҳақиқат Аллоҳ субҳанаҳу таоло бу инсонларга, ўзининг ёрқин оят-аломатларини бир неча йўналишда етказган.

1. Коинотдаги Аллоҳнинг ягоналигига далолат қилувчи зоҳирий оятлар:

Аллоҳнинг рубубияти бўлган – мавжудотларни яратишлиги, уларнинг барчасига ризқ беришлиги, уларни ўзига хос шакл-шамойилда қилганлиги, уларни бошқаришлиги –

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

буларнинг барчаси Аллоҳнинг ягоналигига далолат қилади ва ягона Аллоҳгина ибодатга ҳамда қонунчиликка ҳақли Зот эканлигини билдиради. Мана бу шаръий ва ақлий далиллар ибодатни ундан бошқага қилишликка ижозат бермайди.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади: **«Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир.»** Ҳ: 54

2. Аллоҳ субҳанаҳу таоло Одам фарзандларини, Одам алайҳиссалом орқа миясидан зарралар шаклида чиқариб улар билан қилинган битим.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“Роббингиз Одам болаларини белларидан (яъни пушти камаридан, то қиёматгача келадиган барча) зурриётларини олиб: «Ҳақиқатан Сен Роббимизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг! (Сизлардан бундай аҳду-паймон олишимиз) Қиёмат кунда: «Бизлар бундан беҳабар эдик», демасликларингиз учундир. Ёки: “Ахир илгари ота-боболаримиз мушрик бўлган эсалар, бизлар улардан кейин келган (ва уларнинг йўлидан эргашган) авлод бўлсак, ўша ноҳақ йўлдан ўтган кимсларнинг қилмишлари сабабли, бизларни халок қилурмисан!”, демасликлари учундир.” Ҳ: 112-113

Аллоҳ субҳанаҳу таоло улардан аҳду-паймон олгандан кейин, уларнинг эътиборсизликларини, жоҳилликларини, ва Аллоҳни қўйиб очиқ ширкда бўлган ота-боболарининг йўлига эргашганликларини ҳеч қачон оқламайди.

3. Аллоҳ субҳанаҳу таоло инсонларни яратгандан кейин, уларнинг қалбига Яратувчи ва Ризқ берувчи бўлган Аллоҳ, фақат унгагина ибодат қилиш кераклиги ва фақат Угина қонунлар асоси бўла олиши каби фитратни (инстинкт) жойлагани. Ҳар иккала саҳиҳайнда келган ҳадисда, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадиларки:

“Ҳар бир туғилган бола туғма (ягона Аллоҳга ибодат қилиш) фитрати билан туғилади ва шундан кейин уни ота-оналари яҳудий, насроний ёки мажусий қилади.” Имом Муслим олиб келган ривоятда – мушрик қилади – деб келган.

Имом Муслимда келтирилган ҳадиси қудсийда айтиладики:

“Мен бандаларимни покиза (ҳаниф, аҳли тавҳид) қилиб яратдим. Кейин шайтонлар келиб, Мен уларга рухсат берган нарсани уларга манъ қилиб, уларни динларидан буриб юборишди.”

4. Юқоридагиларга қўшимча, Аллоҳ субҳанаҳу таоло пайғамбарларни фақат бир мақсадда элчи қилиб юборди:

“Дарҳақиқат Биз ҳар бир қавмга “Аллоҳга ибодат қилинглари ва тоғутдан четланинглари”, дейишлари учун пайғамбарларни юбордик” Ҳ: 36

Яна Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“Токи бу пайғамбарлар ўтгандан кейин, одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтувчи ва (кофирларга дўзах азобидан) қўрқитувчи қилиб юбордик.” Ҳ: 145

Кимгаки бир пайғамбарнинг рисолати етиб бормаган бўлса, албатта иккинчи пайғамбарнинг рисолати етиб борган . Агарчи пайғамбарлар рисолатлари иккинчи даражали масалаларда фарқ қилсада, лекин тавҳидга риоя қилиш ва тоғутни нобуд қилишга бўлган чақириқлари бир хилдир.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Биз то бирон пайғамбар юбормагунча (У орқали ўзимизнинг амру-фармонларимизни юбориб, унга итоат қилишдан бош тортмагунларича, бирон кимсани) азоблагувчи эмасмиз.» ۱۷:۱۵

Аллоҳ субҳанаҳу таоло рост сўзлагувчидир ва У барча қавмларга Ўз пайғамбарларини юборган Зотдир. Охирги пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлиб, у киши билан Ўз ҳужжатини очиқ-равшан ҳамда бандалари устида қоим қилди ва Муҳаммад пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин бошқа набий бўлмайди.

4. Аллоҳ субҳанаҳу таоло мана бу буюк даъват билан инсониятга китоблар жўнатди ва охирги китоби Қуръони Карим билан уни камолатга етказдики, бу китоб сувлар билан ювилмайди, йўқолмайди ва ўртадан кетмайди ҳам, чунки Аллоҳ субҳанаҳу таолони ўзи уни то Қиёмат кунигача сақлашлигини ўз зиммасига олди ва диннинг турли қирраларини ўзида тутувчи бобларни ёритиб қўйди.

Бас, шундай экан, шу боблардан бўлган энг муҳим ва буюк, шунингдек ўз ҳолатида хатарли бўлган – тавҳид боби ҳақида нима дейиш мумкин.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“Сизларни ва (Қуръон) етиб борган кишиларни (охират азобидан) у билан огоҳлантиришим учун менга – мана шу Қуръон ваҳий қилинди.” ۶:۱۹

Яна Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

“Аҳли китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар, то уларга очиқ ҳужжат келмагунча(куфрдан) ажрагувчи бўлмадилар.” ۹۸:۱

Оятнинг давомида Аллоҳ субҳанаҳу таоло очиқ ҳужжат нима эканлигини тушунтиради:

“(У очиқ ҳужжат) Аллоҳ томонидан (юборилган) бир пайғамбар ичида энг тўғри ёзувлар – ҳукмлар бўлган покиза саҳифаларини (яъни Қуръонни) тиловат қилур.” ۹۸:۲-۳

Кимгаки бу Қуръон етиб борибди, бас унга огоҳлантириш етиб борибди ва унинг устидан ҳужжат қоим бўлибди. Хоссатан, пайғамбарлар фақатгина унинг учун юборилган ва диннинг устунни бўлган боблар масаласида.

Лекин кимдир уларнинг барчасига алоҳида-алоҳида етказишликни назарда тутаётган бўлса, буни Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг ўзи ҳам инкор қилади:

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

“Нега улар шердан қочган ёввойи эшакларга ўхшаб бу Эслатмадан – Қуръондан юз ўгирадилар-а. Йўқ, (улар ҳеч қачон Қуръон оятларига қулоқ тутмаслар, балки) улардан ҳар бир кимса ўзига очиқ саҳифалар берилишини истар!” ۷۴:۴۹-۵۲

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларидан маълумки, у зот динни инкор қилаётган гуруҳларга нисбатан чақириқларида маълум қоидаларга амал қилганлар. Бу гуруҳнинг ҳар аъзоси билан эмас балки, лидерлари билан боғланардилар ва ҳар бирига ҳужжатни етказишликка буюрмадилар, шунингдек ўзлари юбораётган элчиларига бундай шарт қўймасдилар, бўлиб ҳам агар жанг қилиб турган тараф бўлса. Шунга кўра уламолар, Ислому бугунги кунда ўзининг тарқаганлиги ва бутун дунёда танилганлиги кўра аввали Ислому чақирилган даврларга ва биринчи марта эшитаётган одамларга ўхшамайди. Бу тоғут ва дунёвий қонун лашкар тарафдорлари, тавҳидга асосланган Қуръондан узоқлашиш ва уни инкор қилиш учун ўтган мушрикларнинг йўлига қадамма-қадам эргашадилар ва тамомий эътиборсизлик билан четга суриб қўядилар. Улар бу ҳақиқатни эшитишдан, худди шердан қочаётган ёввойи эшаклардек қочадилар.

Бундан кўриниб турибдики бу илмсиз жоҳил мушриклар, бу илмсизлик ва жоҳилликни фақатгина олдиларида турган ҳужжатдан ва Эслатмалардан қочишлик билан топганлар, уларга диннинг етмаганлиги уларнинг жоҳиллиги, илмсизлиги сабабидан эмас. Бу ҳолатда билмаслигидан дин етмабди дейиш учун, бундай одамлар ақли паст, жинни ёки ёш бола ва шунга ўхшаш ҳолатларда бўлиши керак. Буларга қўшимча қилиб айтишим мумкинки, бу тоғут ва унинг тарафдорлари шариат қонунларини куч билан инкор қилишмоқда. Маълумки, жанг қилаётган тарафга ҳужжатни қоим қилиш шарт қилинмайди, шунинг учун уламолар мусулмонлар кимлар билан жанг қилаётганлари эътибори билан, яъни ҳужумий жангми ёки ҳимоя жанги эътибори билан, уларнинг ўртасини фарқлаганлар.

Бугунги кунда биз кўриб турибмизки, бу Аллоҳнинг динига қарши жанг қилаётганлар тарафини олиб тортишаётганлар, яъни уларнинг вафодор қуллари, уларни оқлашмоқда. Тоғутларнинг ва тарафдорларининг ноҳақликларини беркитишмоқда, шунингдек уларга Аллоҳнинг дини етмаганлигини таъкидлашмоқда. Бу Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг сўзига хилофдир.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Айтинг: «Етук ҳужжат фақат Аллоҳнинг ҳужжатидир.»» ۶:۱۴۹

Юқоридан сенга маълумки, инсонларга тавҳид асослари ҳар томонлама ва ҳар йўналишда етказилган. Шунинг учун ҳам пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўз отаси ҳақида сўраган кишига: **«Сенинг отанг ҳам ва менинг отам ҳам жаҳаннамда»** - деб жавоб берганлар. (Имом Муслим ривояти). Ҳолбуки бу ҳадис айтилган қавм, шундай қавм бўлганки, Аллоҳ субҳанаҳу таоло улар ҳақида :

«(Бу Қуръон) ота-боболари (бирон пайғамбар орқали охират азобидан) огоҳлантирилмасдан, ғофил бўлиб қолган бир қавмни огоҳлантиришингиз учун қудратли ва меҳрибон Зот томонидан нозил қилингандир.» ۳۶:۵-۶

Шунинг учун ҳам Аллоҳ субҳанаҳу таоло тавҳиднинг асослари, шунингдек катта ширкдан, Аллоҳдан бошқаларга ибодат қилишдан сақланишлик ва четланишлик учун, инсониятга турли йўналишлардан ўз очиқ ва равшан далилларини етказган, ҳамда шу мақсадда барча пайғамбарларни инсониятга жўнатган.

Шу билан бирга баъзи диндан фақат исминигина, унинг таълимотидан фақат расминигина биладиган кишилар келиб ўз шубҳаларини ўртага ташлайдилар. Улар пайғамбарлар фақат шунинг учун юборилган, ҳужжатлар мутавотир даражада турли йўналишларда келган, Аллоҳнинг банда олдида биринчи ҳаққи бўлган тавҳид асослари ва катта ширк ҳақида сўрашади, бунинг устига улар ҳатто оятларни ўз ўрнидан бошқа жойда олиб келиб, баъзи шубҳали далилларни олиб келишади. Қуйидагига ўхшаш.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Биз то бирон пайғамбар юбормагунимизча (У орқали ўз амру-фармонларимизни юбориб, унга итоат қилишдан бош тортмагунларича, бирон кимсани) азоблагувчи эмасмиз.» ۱۷:۱۵

Улар айтишадики: «Бу оятга кўра то уларга тавҳиднинг барча қисмлари бўйича далилларни етказмагунча, уларни куфрда айблаб бўлмайди ва ҳатто катта ширк масаласида» - дейишади.

Лекин бу оят аксинча уларнинг нотўғри даъволарига далил бўла олмайди, оятда: **«Биз то пайғамбарлар юбормагунимизча уларни куфрда айбламадик»**, демаяпти, балки аксинча: **«биз уларни азоблагувчи эмасмиз»**, деяпти. бу ерда дунёдаги азоб ҳақида гап кетяпти, Аллоҳнинг қуйидаги оятига мутобиқ :

«Роббингиз то барча қишлоқ ва шаҳарларнинг марказларига Бизнинг оятларимизни уларга тиловат қиладиган пайғамбар юбормагунича у (қишлоқ ва шаҳарларни) ҳалок қилгувчи бўлмади.» ۲۸:۵۹

Бошқа оятда охирадаги азоб ҳақида Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Ҳар сафар унга бир тўда (кофир) ташланганида унинг қўриқчилари улардан (кофирлардан) «Сизларга (ҳаёти-дунёда) бирон огоҳлантирувчи – пайғамбар келмаганмиди?», деб сўраганда, улар дерлар: «Ҳа, дарҳақиқат бизларга огоҳлантирувчи келганди, (лекин бизлар уни) ёлғончи қилганмиз.» ۶۷:۸-۹

Уларни куфрда айблашлик масаласига келсак, хоссатан Аллоҳдан бошқага ибодат қилинадиган катта ширкни бу оятда назарга олинмаяпти. Яъни оятнинг мақсади бу эмас. Аммо кофирлар ҳар хил бўладилар, баъзилари ҳақни билади, аммо уни инкор қилиб бош тортади ва кофир бўлади, Аллоҳ улардан ғазабланган. Баъзилари эса илмлари етарли бўлмаганидан ва уламолари уларни адаштирганидан кофир бўлади, носароларга ўхшаш.

Барча кофирлар билиб, инкор қилишидан кофир бўлмайди, балки аксинча аксар кофирларнинг куфрига сабаб, уларнинг жаҳолати ва илмсизлиги, улар шу сабабдан ўз раҳбарларига, катталари ва ота-боболарига, уларнинг қилаётган ишларини яхши ҳисоблаб, кўр-кўрона эргашадилар.

Катта ширк масаласида Аллоҳ субҳанаҳу таоло Ўзининг барча аниқ ҳужжатларини инсониятга ҳар томонлама тақдим этган ва билмайдиган кишиларга ҳеч нарса узр бўла олмайди. Чунки бу ҳолатдаги жоҳиллигининг ўзи, у учун муҳим бўлган ва шунинг учун яратилган нарсани ўрганишдан юз ўгириш ва бош тортишга киради. Унинг жаҳолати сабабли унга далиллар етмаган эмас.

Зайд бин Амр бин Нуфайл тарихида ибрат оладиган бир ҳолат бор. У киши ўз даврларида пайғамбар бўлмаслигига қарамасдан тавҳидга амал қилар эдилар ва бу пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали росул бўлмасдан аввал эди. Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг ушбу каломига эътибор қилинг:

«(Бу Куръон) ота-боболари (бирон пайғамбар орқали охират азобидан) огоҳлантирилмасдан, ғофил бўлиб қолган бир қавмни огоҳлантиришингиз учун қудратли ва меҳрибон Зот томонидан нозил қилингандир.» Ҷ:5-6

Зайд бин Амр оятда зикр қилинган ғофил бўлган қавмдан эди, лекин шу билан бирга у киши ягона Аллоҳга ибодат қилувчи ва Иброҳим алайҳис-салом динига амал қилувчи – ҳаниф эди. У киши тавҳидга ўзининг туғма хусусиятига кўра, фикрлаш орқали келди ва ўз қавмининг тоғутларидан четланди, уларга ибодат ва ёрдам беришдан узоқлашди. Шунинг ўзи унинг жаҳаннам азобидан қутилишига етарли бўлди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини Қиёмат куни бир ўзи бутун бир қавм бўлиб келишларини башорат қилдилар ва яна пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан, вақтики у кишига бутлар учун қурбонлик қилинган гўшдан ейиш учун олиб келинганда: “Мен сизларни бутлар учун сўйилган гўшларингизни емайман”, деганларини ривоят қиладилар ва у киши қурайш мушрикларини бутларга атаб қурбонлик қилаётганларида, уларни танқид қилиб: “Аллоҳ бу қўйни яратди, сизларга осмондан ёмғир ёғдирди ва ердан ўт-ўланларни чиқарди, аммо сизлар уни Аллоҳнинг номи билан қурбонлик қилмайсизлар!”, деб уларни бу ишдан қайтарардилар. (Имом Бухорий ривояти.)

Агар эътибор берадиган бўлсанг, тавҳид инсоннинг табиати-фитрати билан бирга туғилган, ширк эса инсонлар томонидан ўйлаб топилган ва фитратдан бурилиб кетилган ҳолатдир.

Бу киши ҳали пайғамбар келмаган вақтда тавҳидни тушунган эди ва унга амал қилди. Натижада у нажот топди ва у кишидан фақат пайғамбарлар орқали етказиладиган қонунчилик ҳамда ибодатнинг бошқа турлари кечирилди. У киши (ибн Исҳоқ ривоятида): «Эй Аллоҳ, агар мен сенинг пайғамбарингни билганимда, у айтгандек сенга ибодат қилган бўлар эдим, лекин мен уни билмайман», дер эди ва сажда қилар эди.

У кишидан фақат пайғамбарлар орқали билдириладиган, қолдирилган намоз, рўза ва шунга ўхшаш бошқа шариат қонунлари кечирилди. Ҳолбуки у кишининг даврларида бошқа кишилар, шу жумладан пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ота-оналари тавҳидга амал қилмаганлари ва ширк-куфрдан четланмаганлари учун, пайғамбар юборилмаган ҳолатда, Аллоҳ айтганидек – кечирилмадилар.

Юқоридагиларни яхшилаб фикрлаб кўр, бу боб ҳақида (“Жаҳолат уларни оқлайди”-боби) жуда кўп уламолар ёзишган ва жуда кўп замонамиздагилар ҳам уни чайнашмоқда ва бу масалани то ҳар томонлама кўриб чиқишмаса тушунишмайди, кимки фақат битта нассга ёпишиб олиб ва унинг устида муҳим масалани тушинишга ҳаракат қилган бўлса, ундай киши ҳақиқатдан узоқда бўлган кишидир.

Яна шуни билгинки, бугунги бу тоғут ва уларнинг тарафдорларининг куфрлари, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолатлари етиб бормаган – маъносидаги жоҳилликдан эмас. Пайғамбар юборилган ва у кишидан кейин ҳеч қандай пайғамбар

келмайди ҳамда Аллоҳнинг китоби уларнинг олдида ҳеч қандай ўзгаришсиз турибди, лекин одамларнинг кўплари бу дунёни охиратдан афзал деб билдилар. Улар ҳақиқатни қидиришдан ва унга эргашишдан юз ўгиришди, шунинг учун уларнинг куфрлари – юз ўгириш куфридир (чунки улар ҳақиқатдан юз ўгирдилар). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолати, Қуръон етмаганидан эмас.

Яна шуни билгинки, Аллоҳ субҳанаҳу таоло яҳуд ва носаролар ҳақида :

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг уламоларини ва роҳибларини ҳамда Масиҳ бин Марямни Робб қилиб олдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга ибодат қилишга буюрилган эдилар. Ибодат қилинишликка ҳақли Ундан ўзга илоҳ йўқ. У зот ширклардан покдир.» 9:31

Адий бин Ҳотим ҳадисида айтилганидек, улар қонунчиликда итоат қилиш ширк эканлигини билмасдилар, бу ҳақида ҳадисда айтиладики: «улар ибодат қилишмайди уларга», яъни таъқиқ-рухсатда ва қонунчиликда итоат қилиш – ибодат эканлигини билишмайди, лекин шу билан бирга улар буни Аллоҳдан бошқасига қилганлари учун кофир бўлишди ва уларни Аллоҳдан бошқа Робб қилиб олган бўлишди. Уларнинг буни билмасликлари, уларни оқламади. Чунки бу Аллоҳ инсонга солган фитратга хилофдир. У зот инсонни яратган, унга шакл берган, уни ризқлантирган ва шунинг учун фақат У Зотгина қонун чиқаришга, буюришга қарор қабул қилишга ҳақли бўлган Зотдир. Бундан ташқари Аллоҳ субҳанаҳу таоло ибодатда тавҳидга риоя қилиш лозимлигини, қарор олиш ва қонунчилик фақат ўзигагина тегишли ҳақ эканлигини, ҳамда Аллоҳдан бошқа ибодат қилинаётган барча нарсалардан четлашиш кераклигини таъкидлаб пайғамбарларни юбориб, китоблар нозил қилди.

Бугунги кунда бу масала янада равшанроқдир, чунки бу офицерлар, полициялар, хавфсизлик хизмати ходимлари ва тоғутнинг ҳар қандай бошқа органлари ходимларидан дини ҳақида сўрасанг, улар ислом деб айтишади, китобим Қуръон – дейишади, шунингдек бу китобни улар эрта-ю кеч ўқиб устиларига ҳужжатни қоим қилишади. Бу ишлари билан бирга кейин Қуръон ва Исломни хорлашади, Қуръонни ҳоким қилмоқчи бўлганларнинг устидан жосуслик қилишади, суд қилиб қамоқхоналарини тўлдиришади, ҳамда улар ҳар бир тавҳидга чақираётган ва ширкдан четланишликка даъват қилаётганларга қарши душманлик қилиб, уларга қарши жанг қилишади. Шу вақтнинг ўзида «шариат қонунлари қонун ташқарисида» – деб эълон қилган тоғут ва унинг ўйлаб топган қонунларини, ширкий конституциясини қўллаб қувватлашади ва ўзларининг бор имкониятлари билан аҳли тавҳид душманларига ва тоғут тарафдорларига ёрдам беришади.

Аллоҳнинг динига нисбатан, уларнинг қилаётган бу муомаласини кўрган қайси одам уларни мусулмон дея олади? Бу саволнинг жавоби шунчалик қийин, ноаниқ ва чалкашмики, «уларга ҳали далил етиб бормаган» - дейишликка асос бўлса!? Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, бу масала пешин вақтидаги қуёшданда аниқроқ ва равшанроқдир.

Биз бу ерда икки қатор, икки гуруҳ тортишаётган одамларни кўрамиз: аҳли ширклар қатори ва аҳли тавҳидлар қатори, шунингдек ўйлаб топилган қонунлар қатори ва шариат қонунлари қатори. Бу одамлар тўла соғлом ақллари билан тоғут қаторини танлашган, ҳаёти дунёни афзал билиб уларга ўз муҳаббатларини изҳор қилишган, охиратларини «нафақа, ойлик» ва шунга ўхшаш нарсаларга алмаштиришган. Улар унинг йўлида жанг қилишмоқда, унга ёрдам беришмоқда, уларга қарши турган ёки улардан четланишга чақираётганларга қарши жанг эълон қилишган.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Имон эгалари Аллоҳ йўлида жанг қиладилар, кофир кимсалар эса тоғутнинг йўлида жанг қиладилар . Бас, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилингиз!» Ғ:ҒҒ

Шунинг учун ҳам бу лашкарлар Қиёмат куни аҳли тавҳиднинг мувафақиятини ва ширк аҳлининг халокатини кўрганларида айтишадики:

«Роббимиз, дарҳақиқат бизлар бошлиқларимизга ва катталаримизга бўйсундик, бас улар бизларни (тўғри) йўлдан оздиришди. Роббимиз, Сен уларнинг азобини икки ҳисса қилиб бергин ва уларни катта лаънат билан лаънатлагин.» ҒҒ:ҒҒ-ҒҒ

Уларнинг сўзига эътибор бер, «улар бизни (тўғри) йўлдан оздиришди», улар бу сўзлари билан оқланишдими?

Аллоҳ субҳанаҳу таоло бошқа яна кўп кофирлар ҳақида айтадики:

«Улар (кофир бўлганликлари сабабли) қилган саъй-ҳаракатлари ҳаёти-дунёдаёқ йўқ бўлиб кетгану, аммо (нодонликлари сабабли) ўзларини чиройли – яхши амал қилаётган кишилар, деб ҳисоблайдиган кишилардир.» ҒҒ:ҒҒ

«Чунки улар Аллоҳни қўйиб, шайтонга дўст тутиниб олганлар-да, яна ўзларини ҳидоят топгувчилар, деб ҳисоблайдилар.» ҒҒ:ҒҒ

“Ўзларини бирон (фойда) устида, деб ҳисобларлар” ҒҒ:ҒҒ

Бу нарсаларнинг бирортаси уларга ёрдам бермади, чунки улар аниқ равшан бўлган, Аллоҳ очиқ ҳужжатларини қойим қилган ва пайғамбарлар юборилиши сабаби бўлган тавҳидни нобуд қилишган эди. Агар уларнинг бу хатолари ва бурилиб кетишлари ноаниқ бир чалкаш масалада бўлганда эди ва улар Ислом асосларини ушлаб турган бўлганларида, бутунлай бошқача ҳолатда бўлган бўлар эдилар.

Мана бу нарсага тавҳиддан бошқа нарсани ушламаган ва ҳаётида бирор яхши иш қилмаган киши тўғрисида келган ҳадис далолат қилади. У вафот топаётган вақтда фарзандларига ўзининг жасадини ёқиб, кулини денгизга сочиб ташлашни васият қилиб айтадики: «Мен Аллоҳнинг ҳузурига борсам, бошқаларга бермаган жазо билан мени жазолайди» - дейди . У вафот топади ва Аллоҳ уни қайта тирилтириб: «Нимага бундай қилдинг?», деб сўрайди, шунда у: «Сендан бўлган кўркүвдан, эй Аллоҳ», деб жавоб беради ва Аллоҳ уни кечиради. Бу ҳадисни имом Бухорий келтирган.

«Тавҳиддан бошқа ҳеч бир яхши иш қилмаган» - деган қўшимча билан саҳиҳ санад орқали имом Аҳмад ривоят қилган. Бу кишини Аллоҳнинг исм ва сифатларига тааллуқ топадиган илмдан беҳабарлиги унга узр бўлди, чунки бу пайғамбарлар орқали билинадиган илмдир. Бу киши Аллоҳнинг қудрат ва кучи нақадар қамраб олувчи эканлигини билмасди ва агар фарзандлари бу васиятни қилса, жазодан қутилиб қоламан, деб ўйлади, лекин банданинг Аллоҳ олдида биринчи вазифаси бўлган тавҳиддан фарқли ўлароқ бу илмсизлиги ундан кечирилди.

Олтинчи шубҳа

1. Мажбурлиги.
2. Заиф ҳолатда эканлиги.
3. Тирикчилик.
4. Мусулмонлар ва исломга бўлган маслаҳат (фойда).

Улар айтишадики: «Тоғут лашкарларининг аксари бу тоғутни яхши кўрмайди ва улар ичида ҳатто уни инкор қилган ва ўйлаб топилган қонунлардан четлашганлар бор, улар қалблари билан тоғутни ёмон кўришади.» Лекин улар ўзларининг ҳаракатларини тирикчилик, иш маоши ва нафақага фақатгина бир неча йилгина қолганлиги билан оқлашади. Баъзида иложсиз, заиф ҳолатда қолганликларини ва тоғутга хизмат қилишга мажбур эканликларини айтишса, яна бошқалари бу ишларида Ислом ва мусулмонларга фойда борлиги ҳақида гапиришади.

Жавоб: Аҳли сунна ва жамоанинг бошқа бурилиб кетган ва адашиб кетган тоифалардан фарқи, бу тоифа иймоннинг маъносини қалб билан эътиқод қилишлик, тил билан айтишлик ва тана аъзолари билан амал қилишликдир деб тушунадилар. Лекин улар (бундай баҳоналарни қилаётганлар) эса иймон фақат қалб билан эътиқод қилишнинг ўзи холос деб ўйламоқдалар. Тоғутни инкор қилаётганда ички ва ташқи амалларга амал қилиш керак, шунинг учун биз шариятда уларнинг ташқи ҳаракатларини эътиборга оламиз, қалбидаги нарсани кавлаб қидириб юрмаймиз, чунки уни ўзию, Аллоҳ билади. Агар мунофиқ бўлиб, қалбидаги қуфрни ва шариятни ёмон кўришни яширган бўлса ва ташқарисида Аллоҳга бўлган иймонни ёки тоғутнинг инкорини кўрсатаётган бўлса, шунингдек Исломнинг ташқи амалларини бажараётган бўлса, ҳатто буни Исломнинг куч-қудратидан кўрққанидан қилаётган бўлса, биз у билан унинг ташқи амалларига мувофиқ муомала қиламиз, унинг қалбида яшириниб ётган нарсасини охираб, Аллоҳга ташлаймиз.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар ва улар учун ҳеч бир мададор топа олмасиз!» Ғ: 145

Худди шунга ўхшаш, кимки Аллоҳга бўлган иймонини қалбида тасдиқласа ва тоғутни қалбида инкор қилса, лекин шу вақтда унинг ташқи амаллари, қалбидаги тасдиқлаган нарсасига хилоф бўлса – ширк лашкарлари ва унинг тарафдорлари сафида бўлса, уларнинг сонини кўпайтириб турган бўлса, тоғут қонунларини ҳимоя қилиб, унга ёрдам бераётган бўлса, мусулмонларнинг қаршисига уларни қўллаб-қувватлаётган бўлса, (ҳолбуки Аллоҳ субҳанаҳу таоло ундан бу нарсаларни инкор қилишга буюрган,) бу ҳолатда биз унинг фақат ташқи амалларини эътиборга олиб муомала қиламиз. Чунки биз ҳадис айтганидек «одамларнинг қалбини очиб кўришга маъмур бўлмаганмиз», яъни ичида яшириниб ётган нарсани билиш учун. Шунинг учун ҳам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу, имом Бухорий келтирган ҳадисда айтадики:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам давларида одамларга тааллуқ топадиган масалаларнинг ҳал бўлиши ваҳий бўларди. Кимки бизга ўзидаги яхшиликни кўрсатса, биз унга амниятни кафолатлаймиз ва ўзимизга яқинлаштирамиз, лекин қалбидаги яширган нарсасига келсак, Аллоҳ бу яширган нарсаси ҳақида албатта ундан сўрайди ва кимки ўзида бизга ёмонликни кўрсатса, биз унга амниятни кафолатламаймиз ва унга

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

ишонмаймиз ва ҳатто қалбимда иймоним бор ва менинг ниятим яхши, деса ҳам.»

Бундан ташқари, имом Бухорийдан бошқа ҳадис ривоят қилинадик, бунда бир катта қўшин Каъбани нобуд қилиш учун йўлга тушади, ер ёрилади ва аввалию ва охирини ер ютади, уларнинг ичида бу мақсадда чиқмаганлар, мажбурланганларга ўхшаганлар ҳам бўлади. Биз суҳбатлашаётган мавзуга бу ҳадис аниқ ишора қилади. Вақтики уммул-мўъминин Оиша розияллоҳу анҳо пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу чиққан қўшинда иймон келтирганлар билан жанг қилиш ниятида бўлмаганлар ҳам борлиги, улар фақат уларнинг сони кўпайтириб турганлари, ҳақида сўраганларида:

«Аллоҳ улар билан бирга нобуд қилади ва Қиёмат куни ҳар ким ниятига кўра тирилтирилади.» - дедилар.

Мана бу сўзни ибн Таймия ўзининг “Фатово”сида, Ясуқ бандалари бўлган – татар лашкарларини, улар ичида намоз ўқийдиган, мажбурий ҳолатда жангга чиқаётган ва шунга ўхшашлари ҳақида айтади: Аллоҳ таоло ўз ҳарамини нобуд қилишга чиққан лашкарни ҳаммасини ҳалок қилди ва уларнинг ичида мажбур бўлганлар ҳам ва ихтиёри билан чиққанлар ҳам бор эди – уларни душмандан ажратиб олишга қудрати етарли бўлиши билан бирга Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларни ёппасига ҳалок қилади ва «уларнинг ҳар бирини ниятига кўра тирилтиради». Мўъмин-мужоҳид уларнинг сафида турганларнинг қайси бири мажбурлаб олиб чиқилган ва қайси бири ихтиёри билан чиққанини қаердан билади.

Мен ҳам шунинг учун айтаманки: «Биз ҳам буни қаердан биламиз? Бизга фақат уларнинг ташқи ҳолатларига қараб муомала қилиш қолади холос.»

Демак, бу одамлар, Исломга қарши жанг эълон қилган тоғутнинг қаторида, мушрик ва кофирларнинг сонини кўпайтириб туришмоқда ва улар ичида уларга ёрдам бераётган бўлса, бу дунёда уларни қўллаб-қувватлаётган бўлса, уларнинг куфрлари билан баробардир. Уларнинг охиратига келсак, бунинг бизга алоқаси йўқ.

Мана бу нарсага пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аббос (розияллоҳу анҳу)га Бадр жангида қилган муомалалари кўрсатади. У киши Бадр жангида кофирлар сафида мусулмонлар қўлига асир тушади ва ўзларини мусулмон эканликларини ва жангга мажбур чиққанликларини айтадилар. Шунда пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига: «Сенинг қалбингдаги нарса Аллоҳга, ташқи амалинг бизгадир» - дейдилар (Буни имом Аҳмад ривоят қилган ва санадида бир киши нотанишлигини зикр қилган ва шундай асосда бу ҳадис имом Бухорийда ҳам келган). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига бошқа мушриклар каби озод бўлиши учун тўлов жорий қилганлар, у кишини Аббосга бўлган муомалалари, душман лашкарлари сонини кўпайтириб чиққанларга бўлган муомала бўлган. Бу тоғут қонунлари тарафдорлари ва ширк лашкарларига нисбатан қилаётган муомаламизнинг айнан ўзидир. Нима, биз буни қила олмаймизми? Буни пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган, у киши Аллоҳдан қўрқувчи роқ ва куфр ҳукмида чегараларни риоя қилувчироқдир.

Мажбурий ҳолатга боғлашаётган қисмига келсак, бу уларнинг ҳолатига аслан тўғри келмайди. Чунки, уламолар мажбурий ҳолатларда куфр амалларини қилишда маълум чегараларни қўйишган, бу чегаралар ҳар қанақасига бу тоғут лашкарлари ҳолатига тўғри келмайди. Кимки ҳақиқатни излаётган бўлса, бу ҳолатни майдалаб тушунтирган бошқа манбаларга ҳам мурожаат қилсин. Лекин уламолар гуноҳга мажбурлаш билан, куфр, ширк ва мушрикларга ёрдам беришга мажбурлашлар ўртасидаги фарқларга

аниқ чегараларни белгилаб қўйган. Лекин кимки бу одамларнинг ҳолати ҳақида ўйлаб кўрадиган бўлса, ҳеч ким уларни бу нарсага мажбурлаган эмас, балки, акс ўлароқ улар бу ишлари, мансаблари билан фахрланишади, маош олишади, унвон ва турли хил мукофотлар билан тақдирланишади. Бу қандай мажбурий ҳолатки, унга пул тўлашса, унвонларини кўтаришса ва бу ҳолатда, мушрикка ёрдам берган ҳолатда ўн-йигирма йиллаб қолиб кетса, ва мен мажбурий ҳолатда эдим, деса?! Агар заифлик ҳолати билан ўзларини оқлашмоқчи бўлишса, уларгача яшаган одамлар бу билан оқланишган бўлишарди, лекин уларга бу узр бўла олмади. Бу одамлар Маккада Исломни қабул қилишган, лекин мушриклар сафидан аҳли тавҳидлар сафига ўтишмаган эди. Бадранг жанги бошланганда, мушриклар аввалги сафда уларни олиб чиқишди. Эътибор беринг, улар мушриклар билан ўз ихтиёрлари билан чиқишмаган эди, улар билан маош, унвонлар ва шунга ўхшаш нарсаларни келишиб, бу лашкар сафига қўшилмаган эдилар, лекин шу билан бирга Аллоҳ субҳанаҳу таоло, уларнинг бу амаллари ҳақида Қуръни каримда оят нозил қилиб, уларнинг узрини қабул қилмади ва уларни заифлик ҳолатида деб кўрмади. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида уларга: «Қандай ҳолатда яшадигиз», деганларида» Ғ: 97

Яъни, қайси сафда эдингиз? Аҳли тавҳид ва шариат сафидами? Ёки мушриклар, ўйлаб топилган конституция ва кофир қонунлари сафидами?

Агар тўғри ва аниқ жавобни беришса айтишадики: «Биз мушриклар сафида эдик. Вақтики улар бу сафнинг нобуд бўлаётганини кўришса ва бу саф тарафдорларининг оқибатига гувоҳ бўлишлари билан, юқоридаги жавобдан бўйин товлай бошлашади ва ўзларининг заиф эканликлари билан оқлай бошлашади, гўёинки бу билан ширк ва мушриклар сафидан ўзларини поклашади.

Эътибор беринг, улар вақтики бу саф ичида халок бўлганларида, охират ҳаётларининг аввалги сонияларидаёқ тоғут ва унинг лашкарлари сафидан ўзларини ажратишга ҳаракат қилишади. Чунки бу ҳаётларида тушириб ва эътиборсиз қолдирилган, энг муҳим ва уларнинг бу дунё ва у дунёда ҳалокатларига сабаб бўлган омилдир.

Лекин бу ерда сўраладиган нарса шуки, улар тоғутнинг сафида улардан ажрашмай ва четлашмай ўлиб кетишганда бу нарса ёрдам бердими? Эътибор беринг улар малоикаларнинг саволига нима деб жавоб беришади:

«Ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадигиз?» - деганларида, «Биз бу ерда чорасиз-бечоралар эдик», дейишади.» Ғ: 97

Бу уларнинг куфр лашкарларидан олган баҳона ва далилларидир:

«Улар ўша (сўзни) бир-бирларига васият қилиб қолдирганмилар? Йўқ, - улар туғёнга тушган қавмдирлар.» Ҳ: 53

Биз уларни қачонки тавҳидга чақирсак ва ширкдан ажрашликка даъват қилсак, доимий жавоблари шудир.

Энди фаришталар уларга нима деб жавоб берганига эътибор бер ва сен ҳам шундай ҳолатга тушиб қолишдан эҳтиёт бўл:

Шайх Абу Муҳаммад Мақдисий

«(Шунда фаришталар): «Ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?! (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан ҳижрат қилмадингизлар?!))» - дейишади. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдадир . Қандай ёмон жой у !» Ҳ: 97

Яъни, сизлар куфр сафларини ташлашларингиз учун Аллоҳнинг ризқи кенг эмасмиди? Чумолига, асаларига, қушларга ва бошқа жониворларга, кофир ва мушрикларга ким ризқ беради, наҳотки сен Уни ўзининг тақволи, содиқ ва ширк сафларидан ажраган ва фақатгина аҳли тавҳид ҳамда унинг тарафдорларига ёрдам бериш учун тоғут тарафдорларини тарк этганларга ризқ бера олмайди, деб ўйласанг. Аллоҳ улар айблаётган нарсалардан покдир. Яна эътибор бер, Аллоҳ уларга таҳдид қияпти: «Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдадир. Қандай ёмон жой у!». Бўлиб ҳам ўша Бадрдаги мусулмонлар бу кофир сафларига ўз хоҳишлари билан эмас, балки мажбурий чиқишган эди. Улар ҳижратни қўлдан бой беришди ва ишнинг аввалидаёқ аҳли тавҳид душманларининг сафида чиқиш билан, қийин аҳволда қолишди. Шундан кейин Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтди:

«Фақат бирон чора топишга қодир бўлмай, ҳижрат йўлини истаб топа олмай чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни Аллоҳ шояд афв этса. Зотан Аллоҳ афв этгувчи ва мағфиратли зотдир.» Ҳ: 98-99

Бу оятдан кўриниб турибдики, уларнинг заифликларини далил қилиб олиб келишганда, оқламаганини ва фақат кимки қочиб чиқишга йўл топа олмаганларни, ярадор, қўл-оёқлари боғлаб қўйилганлар, асир ҳолатдагилар ёки қандоқ қилиб мусулмонлар сафига қўшилиш учун йўлни билмайдиганлар, булардан: аёллар, болалар, қари ва заиф кишиларни истесно қилди.

Оятнинг давомида Аллоҳ субҳанаҳу таоло мушриклар сафини ташлаб аҳли тавҳидлар сафига кўчиб ўтишга тарғиб қилиб, уларга кенг ризқ, ва Аллоҳ йўлида ташлаб келган нарсалари эвазига, унданда яхшироқ нарсаларни беришини ваъда берди. Булар нарсаларнинг барчаси одамлар томонидан келтириляётган асоссиз баҳоналарнинг йўлини тўсишлик учундир.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Ким Аллоҳ йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўп паноҳ бўлгудек жойларни ва кенгчиликни топгай.» Ҳ: 100

Бошқа оятда эса ўзининг бандаларини ширк ва унинг тарафдорларидан четлашишга чақираётиб айтадики:

«Эй мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, мушриклар нопок кимсалардир, бас, (улар) бу йилдан сўнг Масжидул-Ҳаромга келмасинлар! Агар сизлар камбағалликдан кўрқсангизлар (билингки) яқинда Аллоҳ хоҳласа, Ўз фазлу карами билан сизларни бой-бадавлат қилажак. Албатта Аллоҳ илм ва ҳикмат соҳибидир.» Ҳ: 101

Бошқалар эса ўзларининг бу айнаган воқеликларига, ўзларининг эгаллаган мансаблари билан динга ёрдам бераётганларини даъво қилишса, баъзилари эса тўғридан-тўғри, ўз чўнтак, қорин ва ҳамёнлари учун ишлашаётганини – ростини айтиб қўя қолишади.

Суфёни Саврийдан Аллоҳ рози бўлсин, у киши ўз шогирдларига васият қилиб ва огоҳлантириб айтадики: **«Ҳокимият эгалари бирор гуноҳ қилиб қўйса, шарият**

ҳукмини қилишлари учун уларга тилёғламачилик ва лаганбардорлик қилишдан, уларнинг ичига киришдан сақланингиз» - дедилар. Агар бундай бўладиган бўлса куфр ва ширк ҳокимларига нима дейиш мумкин?!

Аллоҳ у кишидан рози бўлсин, яна айтдилар: **«Ҳокимларга яқинлашишдан эҳтиёт бўл ва уларнинг ишларига аралашиб қолишдан ўзингни сақла ва улар сендан талаб қилганда, мазлумни ҳимоя қилишда ва адолатни барпо қилишда чекиниш билан алданиб қолма, бу фосиқ уламолар ўзларини оқлашлари учун танлаган бир йўл ва бу айнан Иблиснинг ҳийласидир.»**

Ҳа, бу айнан Иблиснинг ҳийласидир, бугунги кунда, бутун ҳаёти дунё учун энг катта манфаат бўлган, тавҳиднинг асосларини нобуд қилиб, бу ҳийлани дин учун бўлган фойда ва маслаҳат, дейишмоқда.

Саййид Қутб мана бу сўзни айтаётганда нақадар ҳақ эди:

«Кўпчиликнинг даъват учун фойда деган нарсалари, шу даъватчилар учун тойилиш жойига айланди ва бу нарса Аллоҳдан бошқа ибодат қилинадиган бутларга айланди.»

Шайхул Ислом ибн Таймия раҳимаҳуллоҳнинг бу масалага доир бир фатвоси бор. У кишидан аҳли суннадан бўлган бир одамни, катта-катта гуноҳлар қилаётган, ўғирлик, қароқчилик, қотиллик, зўрлаш ва шунга ўхшаш гуноҳлар қилаётган қароқчилар гуруҳини тўғри йўлга йўллашлик учун ҳаракат қилганини, лекин бунга эриша олмаганини ва шундан кейин дуф (доира) чалиб уларга фаҳш бўлмаган қўшиқлар айтиш билан улар аста-секин тўғриланиб, ҳатто кичик гуноҳлардан ҳам сақлана бошлаганини айтиб, бу одамнинг қилган ишининг шаръийлиги ҳақида фатво сўрашди. У киши бу усулни бидъат ва шайтоний деб атади ва бу усулларсиз ҳам пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг усуллари кифоя қилишини, айтдилар. Агар натижа яхши бўлганда ҳам, мақсад воситани оқламайди, худди бавлни бавл билан покланмаганидек, нопокни нопок билан покланмайди. Чақирилаётган мақсад қанчалик олий ва пок бўлса, бу мақсадга олиб борадиган воситалар ҳам шунчалик пок бўлиши керак. Ҳаммага маълумки, ҳаёти дунёдаги энг катта ва энг муҳим манфаат бу – тавҳиддир, шунингдек энг катта зарар ширкдир. Ҳар қандай манфаат бу манфаатга қарама-қарши келса инкор қилинади ва ҳар қандай зарар, куфр ва ширк зарарига нисбатан арзимас ҳисобланади.

Тавҳиднинг азаматини ва ширкнинг хавфини тушунган ҳар қандай одамга келадиган бир (арзимас) манфаат учун ва унинг йўлида динни қурбонликка сўйилаётган қўйга айлантриб, унинг дунёвий фойдалар йўлида, бу тавҳидни бузиш воситасига ва ширк аҳлининг ҳимоячисига айланишга ҳаққи йўқ.

Хотима

Ниҳоят, тавҳиднинг моҳиятини тушунмайдиганлардан эшитган ва аҳамиятсиз бўлмаган бир сўзларики, улар айтишадики: «Сизларга бу лашкар ва махфий хизмат ходимлари ва тоғутнинг шунга ўхшаш тарафдорларини куфрда айблашликдан нима фойда?» – дейишади.

Биз уларга биринчидан айтамизки: «Ҳозирча бу Аллоҳнинг ҳукмидир, уни ҳикмати билишлик биз учун зарур эмас, бизга муҳим бўлган нарса бу ҳукмга қалбимизни очишимиз, нафсимизнинг рози бўлиши ва унга таслим бўлишлигимиздир.»

Яна айтамикки: Уни фойдаларини айтиб санаб чиқишга бизни вақтимиз етмайди. Уларни куфрда айблашликда амалий жиҳатдан ширк ва мушриклардан четлашишни ўз ичига олган, тавҳидни (Иброҳим алайҳис-салом динини) риоя қилишликдан бошқа фойдаси бўлмаганда ҳам шуни ўзи етарли бўлар эди.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда гўзал намуна бордир. Эсланг улар ўз қавмларига: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар (ибодат қилаётган бут-санамлар)ни инкор этдик. Токи, сизлар ёлғиз Аллоҳга иймон келтургунигизча сизлар билан бизнинг ўртамизда мангу адоват ва ёмон кўриш зоҳирдир», дедилар» ۶۰:۴

Бу оятда Аллоҳ субҳанаҳу таоло бизларни тавҳиднинг асосий устуни бўлган, ширк ва мушриклардан четлашишлик, уларни тан олмаслик ва уларга душманлик қилишда Иброҳим алайҳис-саломга эргашишликка ва у кишидан намуна олишликка чақирмоқда. Бу ерда ҳақли бир савол туғилади, агар у кофир билан мусулмонни ўртасини ажрата олмаса, бу ишни қандай бажаради? У кимдан ва қандай қилиб четлашади?

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Айтинг: «Эй кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. Сизларнинг динингиз ўзларингиз учундир, менинг диним ўзим учундир.» ۱۰۹:۱-۶

Бу ерда яна энг катта манфаатлардан бири шуки, ёмондан яхшини ажратиш ва жиноятчиларнинг йўлини танишлиқдир.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«(Ҳақиқий мўминлар кимлар эканлиги маълум бўлиши) ва жиноятчи кимсаларнинг йўли ошкор бўлиши учун оятларимизни мана шундай муфассал қилурмиз.» ۶:۵۵

Кимки иймондан куфрни, кофирдан мусулмонни ажрата олмаса, ҳидоят топганлар йўлидан қандай қандай қилиб жиноятчи кимсаларнинг йўлини ажрата олади ва қандай қилиб иймон келтирганларга Аллоҳ учун ўз муҳаббатини ва мушрикларга Аллоҳ учун ўз нафратини ифодалай олади. Ҳолбуки бу иймонни энг мустаҳкам халқаларидан ва уни ташлашлик бу буюк адашишлик ва катта фасоддир.

Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Кофир бўлган кимсалар бир-бирлари билан дўст – ҳамкордирлар (Бас, эй мўминлар, сизлар уларни ўзларингизга душман тутингиз). Агар шундай қилмасанглар (яъни мўминга дўст, кофирга душман бўлмасанглар), ерда фитна ва катта фасод бўлур.» ۸:۷۳

Реал воқелик шуни кўрсатадики, бу асосга амал қилмаган бўлса, уни эътиборсиз ташлаган бўлса, кимни яхши кўришлигини, кимни ёмон кўришини, ким билан дўст бўлишини, ким билан душман бўлиш кераклигини билмайди ва бу ерда сен кўрасанки, гўё ҳамма нарса бу ерда аралашиб кетган, баъзан кофирга ҳам, иймонли кишига ҳам баробар муомала қилинаётганига гувоҳ бўласан, ҳолбуки Аллоҳ субҳанаҳу таоло бундай ҳолатни инкор қилиб айтадики:

«Ахир Биз мусулмонларни жиноятчи-кофир кимсаларга баробар қилурмизми?! (Эй мушриклар) сизларга нима бўлди? Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар?!» ҶА:ҶД-ҶҶ

Яна Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Балки Биз иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни ер юзида бузғунчилик қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўюрмизми?! Балки Биз тақводор зотларни фисқу-фужур қилиб юрган кимсалар каби қилиб қўюрмизми?! (Йўқ! Асло ундоқ бўлмас!)» ҶА:ҶА

Аллоҳ субҳанаҳу таоло бу ҳолатдан, Ислондаги, фақат мусулмонларгагина қилиш керак бўлган асосий ҳукмлар: ҳаётининг дахлсизлиги, мерос, таом(гўшт), муомалалар, саломлашиш, яхши кўриш каби ҳукмлар сарчашма оладиган қилиб қўйди.

Шунинг учун ҳам аҳли тавҳидларнинг мушрик ва кофирларга муомала қилиш усуллари ва бу усулга умуман эътибор бермайдиган бошқа йўл вакиллари ўртасидаги жуда катта фарқни кўрасан. Улар аксинча аҳли тавҳидларни сўкишади, уларни бидъатчиликда айблашади, ҳатто уларнинг ичида аҳли тавҳидларни соф тавҳидлари учун, куфр ва ширкдан четлашганлари учун куфрда айблашади.

Шунинг учун ҳам уларнинг барча ишлари чалкашиб, аралашиб кетган, улар аҳли тавҳидлардан четлашишган, уларни ёмон кўришади, улар билан душманлик қилишади, тавҳид эгалари ва уларнинг даъватларига нисбатан тилларига эрк беришади, лекин бунинг акси ўлароқ Аллоҳнинг душманларига муҳаббат изҳор қилишади, хайрихоҳлик билдиришади, лаганбардорлик ва ҳамдардлик қилишади.

Уларнинг ичида ҳатто тавҳид учун энг катта бўлган манфаат – кофир билан мушрикнинг орасини ажратишни билмайдиган, дўстликка олиб келадиган ва кофирларни барча йўналишда бирлаштирадиган миллий бирлик нима эканлигини тушунмайдиган, тақводорларни жиноятчи кимсалар билан аралаштириб юборадиган кимсалар борки, улар бу мушрик ва кофирлар билан турли йиғилишларда, парламент ва коференцияларда иштирок этишади.

Улар ҳатто малоикаларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни “Муҳаммад одамлар ўртасини ажратувчи” деб сифатлаганидан беҳабарлар ёки буни билмасликка оладилар. (Бухорий ривояти). Улар иймон тарафдорлари билан мушрикларнинг тарафдорларини агарчи қариндошлар бўлса ҳам ўртасини ажратиб кўрсатган Фурқон – Ажратувчи – деган Қуръоннинг кўрсатмаларидан ҳам юз ўгириб кетишди.

Манфаат – тўғри усулда даъват қилиш чегарасини билиш ва ўзи яшаб турган одамлар ҳолатини эътиборга олишдир. Улар мусулмон экан, бошқалар мушрик эканлиги билан улардан фарқ қилади, аҳли китоб бўлмаган мушрикларни аҳли китоб мушриклардан фарқ қилади ва ҳамда диндан қайтган муртадларни асли кофир бўлган кимсалардан фарқлайди. Шунинг учун ҳам, саҳиҳайнда келтирилган ҳадисда, Муоз розияллоҳу анҳуга пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айттиларки:

«Сен аҳли китоб бўлган қавмнинг олдига кетяпсан, биринчи уларни чақирадиган нарсанг, «Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ»лигига гувоҳлик беришликка чақиришдир. (бошқа ривоятда: «ягона Аллоҳга иймон келтиришга») Агар улар бу чақириққа жавоб беришса, Аллоҳ уларга бир кеча-кундузда беш вақт намоз ўқишга буюрганлигини билдир.»

Эътибор бер, у киши уларнинг ҳолатига ва оладиган қарорларига қандай эътибор бердилар ва уларни қандай даъват қилиш усулига кўрсатма бердилар.

Охирида шуни айтмоқчиманки, бизнинг сўзларимизни эшитмай ва ёзган нарсаларимизни ўқимай, бизни ҳамма одамларни кофирга чиқаришда айблаётган тўхматчи жоҳил кимсалар, бизга нисбатан, шунингдек ўзлари учун Аллоҳдан қўрқишсин ва бир кун борки, у Кунда ҳамма Роббиси ҳузурида туради ва у Кунда ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Худди шу жумладан, уларнинг қилаётган барча ишлари, катта-ю кичиги қолдирилмасдан ҳаммаси номаи-аъмолига ёзилади. Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Мўмин ва мўминаларга бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очик гуноҳни ўз устиларига олибди.» Ҳ: ۵۸

Абу Довуд ва Табароний ривоят қилинган ҳадисда айтилади-ки:

«Кимки иймон келтирган киши ҳақида, унда бўлмаган нарса ҳақида гапирса, жаҳаннам одамларидан чиққан йиринг аралашмасига киргизилади, то уни ўша мўмин кечирмагунча».

Биз уларга очик ва аниқ қилиб эълон қиламизки, биз мусулмон кишини Исломдан чиқармайдиган гуноҳи сабабли куфрга ҳукм қилмаймиз, то улар уни ўзларига ҳалол санамагунларича ва шу билан бирга умум одамларни, тоғутнинг тарафдорлари бўлган душманларимиз айблагандек, куфрда айбламаймиз, хоссатан муржиъа жамоалари қилаётган бўҳтонлар. Биз тавҳидни нобуд қилганларни ёки нобуд қилишга ёрдам берганларни, ёки тавҳидга қарши, хилоф амал қилганларни, мушриклар сафида туриб, уларга ёрдам бериб, аҳли тавҳидларга душманлик қилганларни куфрда айблаймиз.

Биз куфр ҳукмини қўйишда рухсат ва монеълик сабаблари бор, шунинг учун ҳам то, рухсат далиллари комил бўлмагунча ва монеълик сабаблари йўқ бўлмагунча, куфрда айбламаймиз ва биз яна биламизки, баъзида бир одам Исломдан чиқарадиган бир калимани айтади, лекин унда монеълик сабаблари билан такфир қилинмайди. Биз бу рисолада кўриб чиққан барча ҳолатлар диндан узоқлашиб кетган, унинг тарафдорларига қарши уруш очган, ўйлаб топилган қонун ва ширкий конституцияни ҳимоя қилаётган, тавҳид душманлари, ширк лашкарларининг куфрига тегишлидир. Бундай кишиларнинг куфрлари, куннинг ярмидаги қуёшданда аниқроқдир. Буларнинг барчаси ҳаво-нафсдан ёки кимгадир эргашиб ёки шу фойдалироқ деб эмас, балки шаръий далиллар асосидадир.

Биз ўз рақибларимизга айтаемизки: Аллоҳдан қўрқинглар: «Ҳақни ботилга аралаштирманглар ва билган ҳолларингизда ҳақни беркитманглар» Ҳ: ҲҲ

Сизлар билан бизларнинг ўртамизда Аллоҳнинг китоби ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари бор, бизга бошқа қозининг кераги йўқ ва биз

айтганларга қарши далилларни уларнинг олдидан бизга кўтариб келманглар. Ана ўшанда кимки биринчи бўлиб ҳақиқатга келса, биз энг бахтли одамлардан бўламиз:

«Айтинг: «Агар ростгўй бўлсангизлар, ҳужжат келтиринг!» ۞:۞۞۞

Уларни ичи бўш сўзлари, Аллоҳнинг китоби ва пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни суннатлари асосида бўлган шаръий далилларсиз ноҳақ айбловлари масаласига келсак, бу нарсаларни биз инкор қиламиз ва кимки шаръий далилларни қабул қилмаса, бўйсунмаса, унга эргашмаса, ундай кишиларда ҳеч қандай яхшилик йўқ, ундай кишилар билан баҳсни узун қилиш ёки қисқа қилиш ҳеч нарсани ўзгартирмайди, Аллоҳ субҳанаҳу таоло айтади:

«Булар Аллоҳнинг оятлари бўлиб, Биз уни сизга ҳаққи рост тиловат қилиб бермоқдамиз. Бас, улар Аллоҳ ва Унинг оятларини қўйиб, қайси сўзга иймон келтирурлар?!» ۞۞:۞

Таржима қилинган вақти: 2011 йил 5 октябр

Таржимадаги хато ва камчиликлар учун Аллоҳдан мағфират сўраймиз.